

## Аллоҳнинг исмлари ва сифатлари



23:45 / 02.12.2016 420162

Аллоҳнинг борлигига ишонган одам У зотни яхши таниши ҳам керак. Ақоид илми истилоҳи билан айтганда маърифат ҳосил қилиши лозим. Бу маърифат эса Аллоҳ таолонинг гўзал исмлари ва У зотнинг сифатларини билиш ила ҳосил бўлади.

Аллоҳ таоло: «**Аллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, Унга ўша (исм)лар ила дуо қилинг**», деган (Аъроф: 180-оят).

Аллоҳнинг барча исмлари гўзалдир. Мўмин-мусулмон банда Аллоҳга дуо қилганида, ўша гўзал исмлар ила дуо қилмоғи лозим.

Аллоҳ таоло яна: «**У Аллоҳ Холиқ, Бариъ, Мусаввирдур. Барча гўзал исмлар Уникидир. Осмонлару ердаги барча нарсалар Уни поклаб ёд этадилар. Яна У Азиз ва Ҳакимдир**», деган (Ҳашр:24).

«Ҳашр» сурасининг бу сўнгги оятида Аллоҳнинг бир неча гўзал исмлари

ҳақида сўз боряпти. Хусусан:

Холиқ – яратувчи.

Бариъ – йўқдан бор қилувчи.

Мусаввир – махлуқотларнинг сувратини шакллантирувчи.

Дунёдаги барча чиройли исмлар Аллоҳникидир.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Маъқал ибн Ясардан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом:

«Кимки тонг чоғида уч марта «Аъзу биллаҳис-самийъул алийм минаш шайтонир рожийм» деса ва «Ҳашр» сурасининг уч оятини ўқиса, Аллоҳ таоло саловат айтадиган етмиш минг фариштани унга вакил қилиб қўяди. Агар ўша куни вафот этса, шаҳид кетади. Кимки кеч кирганда ўқиса, худди ўша мартабага эришади», деб марҳамат қилганлар.

Ушбу ҳадиси шарифда зикр этилган «Ҳашр» сурасининг уч ояти юқоридаги ояти карима ва сурада ундан олдинги икки оятдир. Келинг, ўша икки оятнинг маънолари ва уларнинг тафсирини ҳам ўрганайлик: **«У Аллоҳ, Ундан ўзга илоҳ йўқ зотдир. У ғойибни ҳам ошкорни ҳам билувчидир. У меҳрибон ва раҳмлидир»** (Ҳашр: 22 - оят).

Ушбу оятдан маълум бўладики, эътиқод ва ибодат фақат ягона Аллоҳнинг Ўзига бўлмоғи керак. Барча қалблар фақат Унгагина талпиниши лозим. Аллоҳ таоло шундоқ зотки, сиз билан биз билган ва билмаган барча нарсаларни билади. Осмонлару ерда Аллоҳ билмаган нарса йўқ, демак, Унга ибодат қилиш керак.

**«У Аллоҳ, Ундан ўзга илоҳ йўқ зотдир. У - Малик, У - Қуддус, У - Салом, У - Мўмин, У - Муҳаймин, У - Азиз, У - Жаббор, У - Мутакаббирдир. Аллоҳ Унга ширк келтиришаётган нарсалардан пок»** (Ҳашр: 23-оят).

Аввалги оят каби бу ояти карима ҳам Аллоҳ ваҳдониятининг исботи ила бошланган ва унинг бир неча исмларини эслатмоқда, жумладан:

**Малик** – ҳақиқий эгадир, Ундан ўзга эга йўқ. Шунинг учун бандалар фақат Унга қул бўладилар. Ҳеч вақтда бир қулга икки хўжа бўлмайди. Шунинг учун инсонлар ўзларига ўхшаган инсонларга эмас, балки ягона яратганга, ҳақиқий эгага қул бўлишлари лозим.

**Қуддус** – барча айблардан ҳоли, нолойиқ сифатлардан пок. Мутлақ муқаддаслик ва мутлақ поклик Аллоҳнинг Ўзигагина хосдир.

**Салом** – нуқсонлардан саломат, шунингдек, тинчлик-хотиржамлик ва роҳат берувчи зот. Аллоҳ «Салом» сифати ила бандаларга тинчлик, омонлик, хотиржамлик ато қилади.

**Мўмин** – иймон ва омонликни берувчи.

**Муҳаймин** – ҳамма нарсани қамраб олувчи, яъни, Аллоҳ бандаларнинг барча ҳолатларига гувоҳ бўлиб туради, Ундан ҳеч нарса махфий қолмайди.

**Азиз** – барчанинг устидан ғолиб.

**Жаббор** – олий қадар, улуғ, Унинг олдида ўзгалар ўзини хор тутлади.

**Мутакаббир** – кибреси ва улуғлиги муболағали зот.

Ушбу баркамоллик сифатларига эга бўлган айбсиз зот мушрикларнинг Унга ширк келтиришидан ҳам покдир.

Аллоҳ таоло «Тоҳо» сурасида: **«Аллоҳ-Ундан бошқа ибодатга сазовор илоҳ йўқ зотдир. Гўзал исмлар Уникидир»**, деган (8-оят).

Яъни, Аллоҳ таоло Ўзининг борлигида, моликлигида, илмида ва ҳамма нарсани Ўз тасарруфида тутишида ягонадир. Унинг исмлари фақат ва фақат гўзалдир. Гўзал исмларнинг барчаси танҳо Унга хосдир.

Аллоҳ таоло «Исро» сурасида: **«Аллоҳга дуо қилинглар, Раҳмонга дуо қилинглар, қайсисига дуо қилсангиз ҳам, бари бир. Гўзал исмлар Уникидир»**, деган (110-оят).

Ривоятларда келишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни: «Ё, Аллоҳ! Ё, Раҳмон!» деб дуо қилаётганларини мушриклар эшитиб қолиб, дарҳол: «Муҳаммад якка худоликка чақирар эди, ўзи бўлса иккита худога дуо қилмоқда», деб гап тарқатишибди.

Уларнинг бу жоҳилона тушунчаси ва тасарруфи жавобига ушбу оят тушган экан. Бу оятда мазкур нотўғри тушунча ва тасарруф тўғриланмоқда.

«Аллоҳга дуо қилинглар, Раҳмонга дуо қилинглар, қайсисига дуо қилсангиз ҳам, барибир».

«Аллоҳ», «Раҳмон» исмлари икки хил бўлгани билан зот бир. Исм кўпайса, зот ҳам кўпайиб қолмайди.

«Гўзал исмлар Уникидир», деб айт».

Дунёдаги энг гўзал исмлар Аллоҳникидир. Шундан тўқсон тўққизтаси Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир ҳадисларида келган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Аллоҳнинг тўқсон тўққизта исми бор. Ким уларни ёд олса, жаннатга киради. Албатта, Аллоҳ тоқдир ва тоқни яхши кўради»**, дедилар». Икки шайх ва Термизий ривоят қилган.

Аллоҳ тоқ бўлгани ва тоқни яхши кўргани учун ҳам Унинг гўзал исмлари тўқсон тўққизта бўлган. Ким ўша тўқсон тўққиз исмни ёд олса жаннатга киради. Чунки бу гўзал исмларни ёд олган киши Аллоҳ таолонинг гўзал исмларини доимо зикр қилиб юрадиган банда бўлади.

Аммо бу Аллоҳ таолонинг тўқсон тўққиздан бошқа исми йўқ дегани эмас. Албатта, Аллоҳ таолонинг исмлари кўп.

Қўйидаги ҳадиси шарифда Аллоҳ таолонинг гўзал исмлари сифатида машҳур бўлган тўқсон тўққиз исми зикри келади.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади: **«Аллоҳнинг тўқсон тўққизта исми бор. Ким уларни тўлиқ билиб олса, жаннатга киради. У Ундан ўзга илоҳу маъбуд йўқ Аллоҳдир. Раҳмон, Роҳийм, Малик, Қуддус, Салом, Мўмин, Муҳаймин, Азиз, Жаббор, Мутакаббир, Холиқ, Бариъ, Мусаввир, Ғаффор, Қаҳҳор, Ваҳҳоб, Раззоқ, Фаттоҳ, Алийм, Қобиз, Босит, Хофиз, Рофеъ, Муъизз, Музилл, Самийъ, Басийр, Ҳакам, Адл, Латийф, Хабийр, Ҳалийм, Азийм, Ғафур, Шакур, Алий, Кабийр, Ҳафийз, Муқийт, Ҳасийб, Жалийл, Карийм, Рақийб, Мужийб, Восеъ, Ҳакийм, Вадуд, Мажийд, Боъис, Шаҳийд, Ҳақ, Вакийл, Қавий, Матийн, Валий, Ҳамийд, Муҳсий, Мубдиъ, Муъийд, Муҳъийи, Мумийт, Ҳайй, Қайюм, Вожид, Воҳид, Сомад, Қодир, Муқтадир, Муқаддим, Муаххир, Аввал, Охир, Зоҳир, Ботин, Волий, Мутаолий, Барр, Таввоб, Мунтақим, Афвву, Раъуф, Моликул Мулк, Зул Жалол вал Икром, Муқсит, Жомеъ, Ғаний, Муғний, Монеъ, Зорр, Нофеъ, Нур, Ҳодий, Бадийъ, Боқий, Ворис, Рашийд ва Сабур»**, дедилар». Термизий, Ибн Ҳиббон ва ал-Ҳоким ривоят қилган.

Энди Аллоҳ таолонинг бу гўзал исмларининг маънолари билан танишиб чиқайлик.

### 1.Аллоҳ.

Аллоҳ лафзи «алаҳа» феълидан олинган «илоҳ» масдарига мансуб бўлиб маъбуд - ибодат қилинган зот - маъносини англатади. Арабларда «илоҳ»нинг аввалига алиф ва лом ҳарфлари киритилган ва «ал-илоҳу» ҳосил бўлган. Сўнгра ҳамзанинг ҳаракатини ломи таърифга нақл қилинган ва бир жинсдаги икки ҳарфни идғом қилингандан кейин «Аллоҳ» лафзи ҳосил бўлган.

Аллоҳ лафзи яккаю ягона маъбудди ҳаққа исм бўлиб қолган. У зотдан бошқага бу исм ишлатилмаган.

Баъзи уламолар, Аллоҳ исми аъзамдир, деганлар. Бу лафзи жалола ҳақида Ибн Атоуллоҳ Сакандарий каби зотлар алоҳида китоблар ҳам ёзганлар.

### 2.Раҳмон.

«Раҳмон» – улуғ неъматларни берувчи.

«Раҳмон» сифати фақат Аллоҳга хос бўлиб, барчага-кофирга ҳам, мўминга ҳам меҳрибон ва неъмат берувчи, маъносини англатади. Раҳмон сифатини Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч кимга нисбатан ишлатиб бўлмайди.

### 3.Роҳийм.

«Роҳийм» – латиф неъматларни берувчи.

«Роҳийм» сифати эса хосроқ бўлиб, қиёмат куни фақат мўминларга раҳм

қилувчи маъносини англатади ва Аллоҳдан ўзгаларга, жумладан, Пайғамбар алайҳиссаломга нисбатан ҳам ишлатилади.

#### 4. Малик.

«Малик» – барча нарсанинг эгаси.

«Малик» – ҳақиқий эгадир, Ундан ўзга эга йўқ. Шунинг учун бандалар фақат Унга қул бўладилар. Ҳеч вақтда бир қулга икки хўжа бўлмайди. Шунинг учун инсонлар ўзларига ўхшаган инсонларга эмас, балки ягона яратганга, ҳақиқий эга-Маликка қул бўлишлари лозим.

#### 5. Қуддус.

«Қуддус» - барча айблардан ҳоли, нолайиқ сифатлардан пок. Мутлақ муқаддаслик ва мутлақ поклик Аллоҳнинг Ўзигагина хосдир.

#### 6. Салом.

«Салом» - нуқсонлардан саломат, шунингдек, тинчлик-хотиржамлик ва роҳат берувчи зот. Аллоҳ «Салом» сифати ила бандаларга тинчлик, омонлик, хотиржамлик ато қилади.

#### 7. Мўмин.

Мўмин - иймон ва омонликни берувчи.

#### 8. Муҳаймин.

«Муҳаймин» - ҳамма нарсани қамраб олувчи, яъни, Аллоҳ бандаларинг барча ҳолатларига гувоҳ бўлиб туради, Ундан ҳеч нарса махфий қолмайди.

#### 9. Азиз.

Азиз - барчанинг устидан ғолиб. Ундан бирор нарса ғолиб кела олмайди.

#### 10. Жаббор.

Жаббор - олий қадар, улуғ, Унинг олдида ўзгалар ўзини хор тутаяди.

#### 11. Мутақаббир.

Мутақаббир - кибирёси ва улуғлиги муболағали зот. Унинг олдида бошқалар қул бўлиб турадиган зот.

#### 12. Холиқ.

Холиқ - Асли ва ўхшаши йўқ нарсаларни аниқ бир ўлчовлар билан яратувчи. У зотда махлуқи йўқлигида ҳам Холиқлик маъноси мавжуддир. Аллоҳ махлуқлар вужудга келтирилишидан олдин Холиқ, деган васфга эга эди. У халойиқни халқ қилганидан бошлаб Холиқ исмини олгани йўқ. Холиқ мутлақ вужудга келтирувчидир.

#### 13. Бориъ.

Бориъ - йўқдан пайдо қилувчи, вужудга келтирувчи.

Бориъ тафовутсиз қилиб вужудга келтирувчидир.

#### 14. Мусаввир.

Мусаввир - махлуқотларнинг сувратини шакллантирувчи. Ҳар бир нарсага ўзига хос суврат берувчи.

15.Ғаффор.

Кўплаб мағфират қилиб, бандаларнинг айбини Ўз фазли ила уларни итоб қилмасдан кечиб юборувчи.

16.Қаҳҳор.

Барча махлуқотларни қабзасида тутиб, уларни Ўз ҳукмига юритиб ва қудрати ила бўйсундириб турувчи.

17.Ваҳҳоб.

Кўплаб неъматларни беҳисоб берувчи.

18.Раззоқ.

Кўплаб ризқ берувчи. Ризқларни ва уларнинг воситаларини яратувчи. Аллоҳ махлуқотларига ҳеч бир оирликсиз ва қийинчиликсиз ёки ёрдам сўрамасдан ризқ берувчидир.

19.Фаттоҳ.

Кўплаб нарсаларни очувчи. Ўз раҳмат хазийнасини бандаларига очувчи.

20.Алийм.

Ҳар бир нарсани билувчи. Бўлган ва бўладиган, аввалги ва охириги, зоҳир ва ботин нарсаларнинг барчасини билувчи.

21.Қобиз.

Рухларни қабз қилувчи - тутувчи. Хоҳлаган кишисининг ризқини қабз қилувчи. Қалбларни қабз қилувчи.

22.Босит.

Рухларни кенгликка қўйиб юборувчи. Хоҳлаган кишисининг ризқини кенг қилиб қўювчи. Қалбларни кенг қилувчи.

23.Хофиз.

Пасайтирувчи. Мисол учун кофир ва фосиқларнинг мартабасини уларни хору зор қилиб пасайтиради.

24.Рофеъ.

Кўтарувчи. Мисол учун мўмин ва тақводорларнинг мартабасини уларни азизу мукаррам қилиб кўтаради.

25.Муъизз.

Азиз қилувчи. Кимни хоҳласа тўғри йўлга солиб азиз қилади.

26.Музилл.

Хор қилувчи. Кимни хоҳласа эгри йўлга юргани учун хор қилади.

27.Самийъ.

Ҳар бир нарсани эшитувчи.

28.Басийр.

Ҳар бир нарсани кўрувчи.

29.Ҳакам.

Ҳукм қилувчи.

30.Адл.

Мутлақ адолат қилувчи.

31.Латийф.

Ўта лутф кўрсатувчи. Барча нарсаларнинг нозик ва дақиқ жойларигача билувчи.

32.Хабийр.

Ҳамма нарсадан ўта хабардор.

33.Ҳалийм.

Ғазаби қўзимайдиган ва иқоб қилишга шошилмайдиган.

34.Азийм.

Ақл тасаввур қила олмайдиган даражада азаматли ва улуғ.

35.Ғафур.

Кўп мағфират қилувчи.

36.Шакур.

Оз амал учун кўп савоб берувчи.

37.Алий.

Мартабаси олийликда бениҳоя.

38.Кабийр.

Ҳар бир нарсадан катта.

39.Ҳафийз.

Ҳар бир нарсани комил муҳофаза қилувчи.

40.Муқийт.

Барча моддий ва руҳий қутларни яратувчи.

41.Ҳасийб.

Кифоя қилувчи. Қиёмат куни бандаларнинг ҳисобини қилувчи.

42.Жалийл.

Сифатларида улуғликка эга бўлган зот.

43.Карийм.

Биров сўрамаса ҳам, бирор нарсанинг эвазига бўлмаса ҳам нарсаларни кўплаб ато қилувчи. Лутф билан итоб қилувчи. Қарама-қаршиликлардан пок бўлган. Карамли ишлар ва хислатлар соҳиби.

44.Рақийб.

Ҳеч бир заррани ҳам қўймай муроқабачилиб туривчи.

45.Мужийб.

Дуоларни ижобат қилувчи.

46.Восеъ.

Кенг – ҳамма нарсани кенг илми ила қамраб олган. Барчани кенг раҳмати ила қамраб олган.

47.Ҳакийм.

Ҳар бир нарсани ҳикмат ила қилувчи.

48.Вадуд.

Барчага яхшиликни раво кўрувчи.

49.Мажийд.

Шон - шарафи ва қадри баланд ва чексиз.

50.Боъис.

Юборувчи: халқларга пайғамбарлар юборувчи. Кишиларга ҳиммат юборувчи. Ўликларни қайта тирилтирувчи.

51.Шаҳийд.

Ҳар бир нарсага ҳозир нозир. Барчага шоҳидлик берувчи.

52.Ҳақ.

Ўзгармас собит зот. Ҳақни юзага чиқарувчи зот.

53.Вакийл.

Барчанинг иши унга топширилган зот.

54.Қавий.

Қувватли зот.

55.Матийн.

Матонатли зот.

56.Валий.

Муҳаббат қилувчи, нусрат берувчи ва халқининг ишини юритувчи зот.

57.Ҳамийд.

Барча мақтовлар ила мақталган зот.

58.Муҳсий.

Барча нарсанинг ҳисобини олган зот.

59.Мубдиъ.

Барча нарсаларни аввал бошдан бор қилган зот.

60.Муъийд.

Йўқ бўлган нарсаларни яна қайтадан бор қилувчи.

61.Муҳъйи.

Тирилтирувчи. У зот ўликларни тирилтирувчидир ва бу исмга уларни тирилтиришдан олдин сазовордир. Уни уларни ўлик бўлганларидан кейин жон киритиб тирик қилганидан кейин тирилтирувчи, деб аталганидек, уларни халқ қилишдан олдин, уларга ҳаёт беришидан олдин ҳам, тирилтирувчи, дейилаверади. Худди, халойиқни халқ қилишидан олдин Холиқ бўлганидек.

Аллоҳ таолога қиёмат куни ўликларни тирилтириши учун, тирилтирувчи номи берилди. Бас, шундан маълум бўлдики, тирилтириш сифати Аллоҳ таоло учун тирилтиришдан олдин ҳам собитдир.

62.Мумийт.

Ўлдирибчи. Барча жонзотларнинг жонини олувчи.

63.Ҳайй.

Тирик. У тирикдир, ўлмас. Яъни, Аллоҳнинг ҳаёти абадийдир, ўлим ила йўқ бўлмас. Шунингдек, Аллоҳнинг ҳаёти азалийдир, олдиндан йўқ бўлган эмас.

Ягона Аллоҳнинг тириклиги Ўзигагина хос алоҳида ҳаёт бўлиб, бандалар ҳаётига ўхшаш бошқа масдардан берилган эмас. Бу ҳаёт азалий ва абадийдир. Бошланиш чегараси ҳам, тугаш чегараси ҳам йўқ. Аллоҳнинг тириклиги ҳеч бир жиҳатдан бандаларнинг ҳаётига ўхшамайди.

64.Қайюм.

Ўз ўзидан қоим бўлган ва бошқаларни қоим қилган зот.

«Қайюм»лик сифатининг маъноси, Аллоҳ таборак ва таолонинг ҳар бир нарса устида турувчи эканлиги ва ҳар бир турувчи нарса Унинг сабабидангина туришидир. Шу билан Аллоҳнинг туриши бошқаникига ўхшамайди ва доимийдир.

65.Вожд.

Топувчи. Хоҳлаган нарсасини топувчи. Бу ишда биров Уни тўса олмайди.

66.Можид.

Мажду шараф соҳиби бўлган зот.

67.Воҳид.

Ягона. Бита. Бўлинмас. У зот ўз зотида ҳам, сифатларида ҳам ва ишларида ҳам бирдир.

68.Сомад.

Сомад сифати кўп маъноларни ўз ичига олади:

- итоат қилинган улуғ–Усиз ҳеч бир иш битмайди.

- ҳеч кимга ҳожати тушмайди, барчанинг ҳожати Унга тушади.

- бутун махлуқот битиб тугаса ҳам, Ўзи доим боқийдир ва ҳоказо.

69.Қодир.

Чексиз қудрат соҳиби. У зот ҳар бир нарсага қодирдир. Ўар бир иш унга осондир.

Аллоҳ таоло азалдан ҳар бир нарсага қодирдир. Агар Аллоҳ азалдан ҳар бир нарсага қодир бўлмаса, қачон ва қандоқ қилиб ҳар бир нарсага қодир бўла олади.

Аҳли сунна ва жамоа эса Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир. Бунга ҳамма бўлиши мумкин нарсалар киради. Бўлиши мумкин бўлмаган амри маҳол нарсаларга эса ақли бор одамлар аҳамият бермайдилар, дейдилар.

Баъзи бир фитначи одамлар мусулмонларнинг иймонига футур етказиш учун «Аллоҳ ўзи кўтаролмайдиган тошни ҳам ярата оладими?» каби бемаъни саволларни берадилар. Бу каби нарсалар амри маҳолдир ва аҳли

иймонлар уларга аҳамият бермасликлари лозим.

70.Муқтадир.

Жуда ҳам қудратли.

71.Муқаддим.

Олдинга сурувчи. У зот хоҳлаган шахс ва нарсани хоҳлаганидан олдинга суради.

72.Муаххир.

Орқага сурувчи. У зот хоҳлаган шахс ва нарсани хоҳлаганидан орқага суради.

73.Аввал.

«Аввал» - У ҳамма нарсадан аввал, яъни, барча мавжудотлар йўқлигида Аллоҳ бор эди. Мавжудотларни «Аввал» сифатига эга бўлган Аллоҳ яратди. Яъни, Аллоҳ вужудга келишининг бошланиши йўқдир.

74.Охир.

«Охир» - У ҳамма нарса йўқ бўлиб кетганда ҳам Ўзи қолади.

75.Зоҳир.

«Зоҳир» - Унинг мавжудлиги ошкор, очиқ-ойдиндир. У ҳамма нарсадан зоҳир-устундир.

76.Ботин.

«Ботин» - У кўзга кўринмайди. Ҳаммадан пинҳон-махфий нарсаларни билиб турувчидир.

77.Волий.

Ҳар бир нарсага волий - эга бўлган зот.

78.Мутаолий.

Нуқсонлардан юқори турувчи зот.

79.Барр.

Улуғ яхшилик қилувчи.

80.Таввоб.

Бандаларни тавбага йўлловчи ва уларнинг тавбасини кўплаб қабул қилувчи зот.

81.Мунтақим.

Золим ва осийлардан интиқом олувчи.

82.Афвву.

Афв қилувчи.

83.Раъуф.

Ўта шафқатли ва меҳрибон.

84.Моликул Мулк.

Мулк эгаси. Бу дунёдаги ишларни ўзи хоҳлаганича қилади. Унинг қазосини қайтарадиган ва ҳукмини ўзгартирадиган йўқ.

85.Зул Жалол вал Икром.

Шараф ва камол эгаси. Карам ва икром эгаси.

86.Муқсит.

Ўз адолати ила мазлумларга нусрат ва золимларга жазо берувчи.

87.Жомеъ.

Жамловчи. Барча ҳақиқатларни жамловчи. Одамларни қиёмат куни жамловчи.

88.Ғаний.

Беҳожат. Унинг ҳеч ким ва ҳеч нарсага ҳожати тушмайди.

89.Муғний.

Беҳожат қилувчи. У зот Ўз бандаларидан қай бирини хоҳласа беҳожат қилиб қўяди.

90.Монеъ.

Ман қилувчи.

91.Зорр.

Зарар қилувчи. Зарарли нарсаларни ҳам яратувчи.

92.Нофеъ.

Манфаат берувчи.

93.Нур.

Ўз-ўзи ила зоҳир бўлган ва ўзгаларни зоҳир қилган.

94.Ҳодий.

Ҳидоят қилувчи. У зот Ўз фазли ила хоҳлаган кимсани ҳидоят қилади. Яъни, Аллоҳ кимни тўғри йўлга ҳидоят қилса, албатта, Ўз хоҳиши ва фазли ила ҳидоят қилади.

95.Бадийъ.

Ўхшаши йўқ нарсаларни келтирувчи.

96.Боқий.

Боқий қолувчи. У доимий бордир, унга фонийлик ориз бўлмас.

97.Ворис.

Мувжудотлар йўқ бўлганда ҳам боқий қолувчи зот.

98.Рашийд.

Тўғри йўлга иршод қилувчи.

99.Сабур.

Ўта сабрли. Осийларни азоблашга шошилмайди.

## **АЛЛОҲНИНГ СИФАТЛАРИ ВА САЛАФЛАР**

Асмоул ҳусна - гўзал исмлар тўғрисидаги оят ва ҳадислар мусулмонларнинг катта эҳтимомларига сазовор бўлган.

Уларнинг ичидан биринчилардан бўлиб Аллоҳ таолонинг исмлари ва

сифатларини ақоид илми уламолари чуқур ўрганганлар. Ақоид уламоларининг барчасининг – эскиларининг ҳам, янгиларининг ҳам, салафларининг ҳам, халафларининг ҳам бу изланишдан мақсадлари битта – Аллоҳ таолони нолайиқ сифатлардан поклаш бўлган.

Шу ерга келганда «салаф»лар дейилганда луғатда ўтганлар, истилоҳда биринчи уч асрда ўтган мусулмонларни тушуниш лозимлигини айтиб қўймоғимиз керак.

Салафларнинг араб тилини билиш ва диний эътиқод даражалари олий мақом бўлганини ҳамма жуда яхши билади. Бунинг устига уларнинг вақтида турли ихтилофлар, фирқалар, фалсафалар бўлмаган, бўлса ҳам кучсиз ва таъсирсиз бўлган. Шунинг учун ҳам улар бошқа илмлар каби ақоид илмида ҳам турли уринишларга муҳтож бўлмаганлар.

Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ ўзларининг «ал-Фиқҳу ал-Акбар» номли китобларида қуйидагиларни айтадилар:

«У зот ўз махлуқотларидан ҳеч нарсага ўхшамайди. У зотга Унинг махлуқотларидан ҳеч нарса ўхшамайди. У зотнинг сифатларининг барчаси махлуқларнинг сифатининг хилофидир. У зот бизнинг илмимизга ўхшамас илм билан билади. У зот бизнинг қудратимизга ўхшамас қудрат ила қодир бўлади. У зот бизнинг кўришимизга ўхшамас кўриш ила кўради. Аллоҳ таоло Қуръонда юз, қўл ва жонни зикр қилган бўлса, улар У зот учун кайфияти йўқ сифатлардир».

Имом Бухорийнинг шайхи Нуъайм ибн Ҳаммоод ал-Хузоъий қуйидагиларни айтган:

«Ким Аллоҳни У зотнинг махлуқотларига ўхшатса, батаҳқиқ, кофир бўлади. Ким Аллоҳ Ўзини васф қилган нарсани инкор қилса, батаҳқиқ, кофир бўлади. Аллоҳ ва У зотнинг расули У зотни васф қилган нарсада ўхшатиш йўқ. Ким Аллоҳ таоло учун очиқ-ойдин оятлар ва саҳиҳ хабарларда келган нарсаларни Аллоҳнинг жалолига лойиқ равишда собит қилса ва Аллоҳдан нуқсонларни қайтарса, батаҳқиқ, ҳидоят йўлига юрган бўлади».

Аввал таъкидлаб ўтганимиздек, бу маънода салаф-ўтган мусулмон авлодлар ва уламоларнинг тутган йўллари бор нарсани ўзича қабул қилиш, бошқа нарса ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмаслик бўлган. Бунинг мисолини «Аршга истиво» масаласи номи билан машҳур масалада кўришимиз мумкин.

Бу ҳақдаги ояти карималарда «Алал Арши истава» бирикмаси Аллоҳ таолога нисбатан ишлатилади. Агар матнни сўзма-сўз таржима қиладиган бўлсак, Аллоҳ Аршга баробарлашди маъноси чиқади. Ўтган авлодларда бу маънони Аллоҳнинг Ўзига ҳавола қиламиз, бу ҳақда сўз очмаймиз, деб келишилган. Чунки у вақтда ҳамма яхши тушунчага эга бўлган, содда ҳаёт

кечиришган ва турли фитналарга дучор бўлишмаган. Шу билан бирга ушбу масалани кўтариб турадиган баъзи шахслар ҳам топилган. Лекин кўпчилик уларни фитначи, деб номлаб ўз фикрларини тарқатишларига йўл қўймаган. Шу билан мусулмонлар оммаси тинч-омон юрган.

Бу масалада Имом Молик раҳматуллоҳи алайҳнинг тутган мавқифлари ҳамманинг таҳсинига сазовор бўлган. Ривоятларда келишича, бир киши имом Молик раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳузурларига кириб истиво ҳақида сўраган экан.

Шунда имом Молик:

«Истиво маълум. Унинг қандоқлиги номаълум. Унга иймон келтириш вожиб. Унинг ҳақида савол бериш бидъат. Сен бидъатчи экансан! Чиқаринглар, буни, менинг олдимдан!» деган эканлар.

Салафи солиҳларимиз шу йўл билан Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг поклиги, ўхшаши йўқлиги ва бошқа барча камолот сифатларига бўлган тўғри эътиқодни сақлаб туришган.

Вақт ўтиши билан Ислом давлати ҳудудлари кенгайиб, турли халқ, дин, фалсафа ва мафкурага эга одамлар ҳам Исломни қабул қилишди ёки мусулмонлар билан аралашиб яшай бошлашди. Табиийки, улар ўзларининг эски фикр ва тасаввурларидан бирдан ва тўла узилиб чиқа олмас эдилар. Шу билан бир вақтда Ислом душманлари ҳам доимий равишда турли ифволар қилиб туришар эди. Улар мусулмонларнинг ақийдаларига футур етказиш мақсадида турли шубҳали масалаларни ғоят усталик ила ўртага ташлашар эдилар. Ана шундоқ масалаларнинг энг катталаридан бири, Аллоҳ таолонинг сифатларига оид оят ва ҳадисларнинг зоҳирий маъноларини мисол қилиб мусулмонлар ақийдасига зарар етказишга уриниш бўлди. Аллоҳнинг қўли, кўзи ёки бошқа У пок зотга нисбат берилган сифатлари таърифида фитна қўзғаб кишиларни кўплаб залолатга кетказиш бошланди. Анчагина тоифалар бу масалада куфр кетдилар.

Энди салафи солиҳларга ва имом Моликка ўхшаб, бу масалада савол бериш бидъатдир, деб фатво чиқариш иш бермайдиган ҳолга келди. Балки, шунга ўхшаш масалада савол сўрамайдиган одамнинг ўзи қолмади.

Ана шундоқ нозик бир пайтда Абул Ҳасан ал-Ашъарий ва Абу Мансур ал-Мотурудий каби буюк алломалар ақийданинг софлигини сақлаб қолиш учун катта хизмат қилдилар. Бошқа нозик масалалар қатори Аллоҳ таолонинг сифатларига оид масалада ҳам ҳал қилувчи ечим топдилар. Бузғунчилар, Аллоҳнинг Аршга истиво қилиши, унга баробарлашишидир, деган бўлсалар, халафлар, яъни-кейинги уламоларимиз, йўқ, унда Аллоҳга нуқсон нисбати берилган бўлади, шунинг учун истивони Аллоҳ таолонинг

бошқа баркамол сифатларига мос равишда тушунмоқ керак дедилар.

Шу тариқа истиво-қувват ва султон ила эга бўлмоқдир, деган таъвил қилинди. Бунда ҳам худди салафи солиҳларга ўхшаб Аллоҳ таолони турли нуқсонлардан поклаш қасд қилингандир.

Ҳам салаф, ҳам халаф уламоларимизнинг мақсадлари бир бўлган. Фақат мақсадга етиш учун ўз замонларига ва шароитларига мос йўл тутишган, холос.

Сиз билан бизлар ҳам бу масалада жуда эҳтиёт бўлиб, ихтилоф қилмай иш тутмоғимиз лозим.

Бу борада айниқса, имом Абул Ҳасан ал-Ашъарийнинг тутган йўлларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ зарур деб биламиз. У киши ўзларининг «ал-Ибона» ва бошқа дастлабки китобларида салаф уламолари йўлини тутган бўлсалар, «ал-Ламаъ» каби кейинги китобларида халаф уламолари йўлини тутганлар. Шароит шуни тақозо қилган. Ушбу ҳолатдан Абул Ҳасан ал-Ашъарий раҳматуллоҳи алайҳ Аллоҳ таолонинг сифатлари ҳақидаги масалада салаф уламолари йўлидан халаф уламолари йўлига ўтиш ҳалқаси бўлган дейишимиз мумкин.

## **АЛЛОҲНИНГ СИФАТЛАРИ ВА ХАЛАФЛАР**

Халафлар деганидан кейин келганлар маъноси англанади. Халаф уламоларининг Аллоҳ таолонинг сифатлари бўйича қилган асосий ишлари, турлича тушуниш мумкин бўлган матнларни Аллоҳ таолонинг айблардан поклигини англатувчи бир хил тушунчадан бошқага буриб бўлмайдиган матнлар англатадиган маънога мослаб таъвил қилиш бўлган.

Аҳли Сунна ва жамоанинг халаф уламолари бу йўлни тутишга «мушаббиха», «муъаттила» ва «мужассима» деб аталган тоифаларнинг бузғунчи фикрларидан мусулмонлар оммасини сақлаш учун мажбур бўлганлар.

«Мушаббиха»лар Аллоҳ таолонинг сифатларини махлуқотларнинг сифатларига ўхшатишни ўзларига эп кўрган нобакорлардир.

«Муъаттила»лар Аллоҳ таолонинг Ўзи ёки У зотнинг пайғамбари алайҳиссалом зикр қилган сифатларини манфий қилган нобакорлардир.

«Мужассима»лар Аллоҳ таолога жисм нисбатини берган нобакорлардир.

Аҳли Сунна ва жамоанинг халаф уламолари оятда зикр қилинган қўлни қувват ва карам деб таъвил қилишган. Кўзни июнат ва риоят деб таъвил қилишган. Шунингдек, ҳадиси шарифда «Қалблар Раҳмоннинг панжаларидан икки панжа орасидадир» деб келган «икки панжа»ни ирода ва қудрат деб таъвийл қилишган.

Бир ҳадисда «Албатта, Аллоҳ Одамни ўз сувратида яратгандир, деб

келган. Буни сиртдан маъно берган кишилар, Одамнинг Аллоҳнинг сувратида яратилган эканлигини англайди. Аммо халаф уламолар буни «Аллоҳ Одамни ўзига хос сувратда яратди» деган маънога мослаб таъвил қилганлар. Бунда Аллоҳ Одамни халқ қилган вақтда уни ўзига хос сувратда яратган, у давр ўтиши билан ўзгариб қолмаган, деган маъно чиқади.

Худди шу ҳадиснинг маъносини англатувчи бошқа бир ҳадисда келган, «Албатта, Аллоҳ Одамни Раҳмоннинг сувратида яратгандир» деган маънони халаф уламолари «Раҳмоннинг сифатида яратгандир» деб таъвил қилганлар. Араб тилида суврат сифат маъносини ҳам англатади. Ана шунда Аллоҳ таоло Одамни яратганда уни илм ва идрок каби Ўзида бор сифатлар билан қўшиб яратган маъноси чиқади.

Шу ерда халаф уламолари Аллоҳ таолонинг сифатлари ҳақида келган оят ва ҳадисларни таъвил қилишда ҳавойи нафсларига қараб эмас, араб тили қоидаларига ва энг муҳими, диний таълимотлар асосига қараб иш олиб борганларини таъкидлашимиз лозим.

Яна бир бор таъкидлаймизки, салафнинг мазҳаби ўз вақтида тўғри ва афзал бўлган. Халафнинг мазҳабини шароит тақозоси мажбур қилган. Иккисининг мақсади ҳам Аллоҳ таолони айблардан ва Ўзига мос бўлмаган сифатлардан поклаш бўлган.

## **СИФАТЛАРНИНГ ТАҚСИМИ**

Аҳли Сунна ва жамоанинг халаф уламолари Аллоҳ таолонинг сифатлари ва гўзал исмлари ҳақида келган оят ва ҳадисларни атрофлича ҳамда чуқур ўрганиб йигирмата сифат борлигига иттифоқ қилганлар ва уларни тўртга тақсимлаганлар.

### **1. Нафсий сифат.**

Бунда фақат зотга далолат қилувчи, зиёда маънони билдирмайдиган собит сифат ирода қилинган.

Аллоҳ таолонинг нафсий сифати битта бўлиб «вужуд» сифатидан иборатдир.

### **2 . Салбий сифатлар.**

Бунда Аллоҳ таолога нолойиқ бўлган сифатни йўқ қилишга далолат қиладиган сифатлар кўзда тутилган.

Салбий сифатлар бештадир;

- А) Қадимийлик.
- Б) Боқийлик.
- В) Янги пайдо бўладиганларга мухолифлик.

Г) У зотнинг Ўз-ўзи ила қоим бўлиши.

Д) Ягоналик.

Ушбу сифатларнинг ҳар бири Аллоҳ таолога нолайиқ бўлган сифатларнинг манфий эканини ўз ичига олгандир. Шунинг учун ҳам улар салбий сифатлар деб аталган.

### **3. Маънолар сифатлари.**

Бунда Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг зотида қоим бўлган ва Унга муайян ҳукми лозим қилган сифатлар кўзда тутилган. Мисол учун илм сифати у билан сифатланган шахснинг олим бўлишини тақозо қилади.

Маънолар сифатлари еттитадир;

А) Қудрат.

Б) Ирода.

В) Илм.

Г) Ҳаёт.

Д) Эшитиш.

Е) Кўриш.

Ё) Калом.

Аллоҳ таоло ушбу сифатларнинг маъноси ила сифатлангандир. У зот Қодир, Мурид – Ирода қилувчи, Олим, Тирик, Эшитувчи, Кўрувчи ва Гапирувчидир.

### **4. Маънавий сифатлар.**

Бу тоифадаги сифатлар ўзидан олдинги, маънолар сифатларининг узвий натижасидан бошқа нарса эмас. Бошқача қилиб айтганда маънавий сифатлар маънолар сифатларининг собит бўлишидан келиб чиққан ҳукмлардир.

Маънавий сифатлар еттитадир:

А) У зоти таолонинг қодир бўлмоғи.

Б) У зоти таолонинг ирода қилувчи бўлмоғи.

В) У зоти таолонинг олим бўлмоғи.

Г) У зоти таолонинг ҳаёт (тирик) бўлмоғи.

Д) У зоти таолонинг эшитувчи бўлмоғи.

Е) У зоти таолонинг кўрувчи бўлмоғи.

Ё) У зоти таолонинг гапирувчи бўлмоғи.

Ушбу етти сифат ўзларидан олдинги етти сифатга боғлиқдир. Уларнинг маънавий сифатлар деб аталиши юқоридаги маънолар ила сифатланишнинг бўлаги эканидандир.

## СИФАТЛАРНИНГ ШАРҲИ

Сифатлар ҳақида батафсил сўз юритишдан олдин муҳим бир ҳақиқатни таъкидламоғимиз лозим. Аллоҳ таоло барча камолот сифатлари билан сифатланган. У зот барча нуқсонли сифатлардан покдир. Чунки У зот илоҳлигининг ўзи шундоқ бўлишини тақозо қилади.

Шунинг учун ҳам биз бандалар У зотнинг ақалли энг муҳим сифатларининг қисқача тафсилотини, маъноларини ва уларга тегишли ишлар ҳамда эътиқодларни билмоғимиз керак.

Аввал ҳам айтиб ўтилганидек, Аллоҳ таоло Ўз китобида Ўз-ўзини бир неча турли сифатлар ила васф қилган. Ўша васфларни умумийлаштирилганда йигирмата сифатга тўхталди.

Энди юқорида зикр қилинган сифатларни бироз шарҳ қилиб ўтайлик.

### **1. Вужуд сифати.**

Аввал айтиб ўтилганидек, Аллоҳ таолонинг нафсий сифати битта бўлиб «вужуд» сифатидан иборатдир.

Шу ерда арабча «вужуд» сўзи бизнинг тилимизда борлик маъносини англатишини таъкидламоғимиз лозим. Юқорида Аллоҳ таолонинг борлигини исботлаш учун айтилган барча маънолар У зотнинг вужуд сифатига ҳам тегишлидир. Шунинг учун ўшал гапларни такрорлаб ўтирмаймиз.

Салбий сифатлар;

### **2. Қадимийлик.**

Бунинг маъноси У зот субҳанаҳу ва таолодан аввалги нарса йўқлигидир. Зинҳор бизнинг тилимиздаги қадим – эски маъносини ўйламаслик керак. Аллоҳ таолонинг борлигидан аввал ҳеч нарса бўлмаган. У зот Ўз борлигидан аввал йўқ бўлмаган. Махлуқотлар эса ҳаммалари аввал йўқ бўлиб туриб, кейин бор бўлганлар. Бу маънони «Ақоиди Таҳовия»нинг шарҳида қуйидагича ифода этилган:

«У ибтидосиз қадимдир, интиҳосиз доимдир».

Яъни, Аллоҳ вужудга келишининг бошланиши йўқдир ва Унинг ниҳояси ҳам йўқдир. Махлуқотлар вужудга келишининг бошланиши ва ниҳояси бор. Ҳар бир нарса янги пайдо бўлган ва яратилган бўлади. Бу эса Аллоҳнинг Аввал ва Охир исмларига шарҳдир.

Далил:

«У Аввал ва Охирдир» (Ҳадид, 3-оят) ва Имом Муслим ва Имом Абу Довуд ривоят қилган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Эй, бор Худоё, Сен Аввалсан, Сендан олдин ҳеч нарса йўқ ва Сен Охирсан, Сендан кейин ҳеч нарса йўқ», деган ҳадисларидир.

Яъни, вужуд Сендан бошланган ва Сенда тугайди, деганларидир».

Аллоҳ таолонинг қадимлигини ақл ҳам тақозо қилади. Агар У зот қадим бўлмаса, аввал йўқ бўлиб, кейин пайдо бўлган бўлса, албатта, Уни пайдо қилувчиси бўлиши лозим бўлади. Ўзининг дунёга келишидан пайдо қилувчига муҳтож бўлган зот эса Аллоҳ бўлиши мумкин эмас. Агар фаразан, У қадим эмас десак, Уни пайдо қилувчи илоҳ бўлиши керак бўлади. Бу ҳолда пайдо қилувчилар ҳалқаси пайдо бўлиб ниҳоясиз давом этаверади. Ундоқ бўлиши мумкин эмас. Пайдо қилувчининг тўхташ ҳалқаси Аллоҳ бўлади. Барча мавжудотлар ўзининг вужудга келишида ўшанга суянган бўлади. У эса мавжудлиги ўз-ўзидан вожиб бўлган зот бўлади. Аллоҳ вожибул вужуд зотдир. У бошқаларнинг пайдо бўлишига таъсир ўтказади, Ўзининг пайдо бўлишида бошқадан таъсирланмайди. Бу ҳолдаги зот қадим бўлиши ақл тақозо қилган улкан ҳақиқатдир.

Бу ҳеч ким инкор қила олмайдиган оддий илмий ҳақиқатдир.

Бу сифат «Қадим» номи билан Қуръони Каримда ҳам, ҳадиси шарифда ҳам зикр қилинмаган. Уламолар келган далилларга қараб мазкур лафзни ишлатганлар. Агар Қуръони Карим ва ҳадиси шарифда келган матнга эргашиладиган бўлса, «қадим» ўрнига «аввал» ишлатилган бўлур эди.

### **3. Боқийлик.**

Бу сифат Аллоҳ таолонинг доимийлигини, ниҳояси йўқлигини англатади. Махлуқотлар қанчалар умри боқий бўлсалар ҳам, барибир бир куни йўқ бўлишлари бор.

Бу маънони «Ақоиди Таҳовия»да ва унинг шарҳида қуйидагича ифода этилган:

«У фано бўлмас ва битирилмасдир».

Шарҳ: Бу Аллоҳ таолонинг бақоси бардавом эканининг иқроридир. Фано ва битирилишнинг маъноси бир-бирига яқиндир. Икковини жамлаб келтириш, таъкид учундир. Чунки фанонинг маъноси ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетишни англатади, битирилиш эса бошқанинг ҳалок қилиши билан йўқ бўлишдир.

Далил: «У(ер)нинг устидаги барча фонийдир. Улуғлик ва икром соҳиби - Роббинг юзи боқийдир» «Раҳмон», 26-27- оятлар).

«У зот (Аллоҳ)нинг юзидан бошқа барча нарса ҳалок бўлувчидир» («Қасас»: 88).

Ақлий далил;

Аллоҳ таоло боқийлик сифатига соҳиб бўлмаса, фоний – йўқ бўлувчи бўлмоғи керак бўлади. Йўқ бўладиган зот Илоҳ бўлиши мумкин эмас.

### **4. Янги пайдо бўладиганларга муҳолифлик.**

Бу сифат Аллоҳ таолонинг барча махлуқотларга, инсга, жинга, фаришталарга ва бошқаларга мутлақо ўхшамаслигини англатади. Ҳеч бир махлуқнинг сифати Аллоҳ таолога сифат бўлиши мумкин эмас.

Бу маънони «Ақоиди Таҳовия»нинг шарҳида қуйидагича ифода этилган:  
«Махлуқотлар Унга ўхшамас».

Шарҳ: Яъни, махлуқотлар ичида зотида ҳам, сифатларида ҳам, ишларида ҳам, исмларида ҳам, ҳукмларида ҳам, Аллоҳга ўхшаши йўқдир.

Имом Абу Ҳанифа «ал-Фикҳул Акбар»да: «У Ўз махлуқотларидан бирортасига ўхшамайди. Унинг махлуқотларидан бирортаси Унга ўхшамайди-ки, то Унга қиёс қилинса ёки Унга ўхшатиlsa-ю, қиёс ёки ўхшатиш ила таниб олинса», деганлар.

Бу эса Холиқни махлуққа ўхшатувчи Мушаббиха мазҳабидагиларга раддиядир. Яъни, Аллоҳ билан Унинг махлуқотлари орасида ўхшатишга асос бўладиган муштарак сифат йўқки, У зот ўша билан махлуқотларга ўхшатиlsa, дегани.

Далил: «Унга ўхшаш нарса йўқ. У зот ўта эшитувчи ва ўта кўрувчидир» (Шуро: 1).

«Ва Унга бирортаси тенг бўлган эмас» (Ихлос: 4).

Ақлий далил; Агар Аллоҳ таоло бирор нарсада Ўзининг махлуқотларига ўхшаса илоҳлиги қолмайди. Махлуқотлардан бири бўлишига тўғри келиб қолади.

Янги пайдо бўладиганларга муҳолифлик сифати айна шу ном билан Қуръони Каримда ҳам, ҳадиси шарифда ҳам келмаган. Қуръони Каримда келгани «Унга ўхшаш нарса йўқ» ифодасидир. Албатта, Қуръони Карим ифодаси ўта дақиқдир.

Аммо Аллоҳ таолонинг кўпгина сифатлари кишиларда ҳам топилади. Мисол учун илм, қудрат, ирода, эшитиш, кўриш ва бошқалар. Бу ҳақиқатни аввал айтилган гаплар билан қандоқ уйғунлаштириш мумкин?

Уламоларимиз бу саволга қуйидаги жавобни берадилар:

«Инсон икки тоифа сифатлар билан сифатланади.

Биринчи тоифадаги сифатлар кейин пайдо бўлганлик ва махлуқлик самараси бўлган сифатлар. Макон ва замон билан чегараланиш, жисмоний эҳтиёжлар, ожизлик, заифлик, оч қолиш, чанқаш, уйқуга эҳтиёж ва бошқаларга ўхшаш.

Иккинчи тоифадаги сифатлар юзаки қараганда Аллоҳ таолонинг сифатларидан бўлиб кўринади. Аммо инсонга мазкур сифатларни Аллоҳ таолонинг Ўзи жуда ҳам оз миқдорда берган. Бу миқдор шунчалар озки у билан инсон ўз эҳтиёжини ҳам Аллоҳ таолонинг ёрдамидагина ва чегараланган равишдагина қондира олиши мумкин. Иккинчидан, мазкур сифатлар билан Аллоҳ таолонинг сифатлари орасидаги ўхшашлик исмда, холос. Жавҳар ва ҳақиқатда иккиси тамоман бошқа олам.

**5. У зотнинг Ўзи ўзи ила қоим бўлиши.**

Бу сифатдан Аллоҳ таоло Ўзини вужудга келтирувчи зотга ва турадиган жойга муҳтож эмаслиги англанади. Аллоҳ таоло замондан ҳам, макондан ҳам олдин бор эди.

Бошқа барча мавжудотлар ўзининг вужудга келишида Аллоҳ таолога муҳтож бўладилар. Агар Аллоҳ таоло вужудга келтирмаса, йўқ бўлиб тураверадилар. Аммо Аллоҳ таоло Ўз- Ўзидан қоим зотдир. У зот вужудга келтирувчига муҳтож эмас.

Бу сифатнинг далиллари қуйидагилар:

«Аллоҳ-сомад» «Ихлос» сураси, 2-оят - ҳеч кимга ҳожати йўқ - ҳамма унга ҳожатманд зотдир.

«Аллоҳ, Ундан ўзга ҳеч бир илоҳ йўқ зотдир. У тирикдир, доимо қоимдир» «Бақара» сураси, 255-оят.

«Туғмади ва туғилмади» «Ихлос» сураси, 3-оят ва:

«У аввалдир, охирдир» (Ҳадид: 3).

Ақлий далил келтиришнинг ҳожати ҳам бўлмаса керак. Агар Аллоҳ таоло Ўзини вужудга келтирувчи зотга муҳтож бўлса, Аллоҳ таололиги қолармиди?!

## **6. Ваҳдоният - Ягоналик.**

Бу сифатдан Аллоҳ таоло зотида ҳам, сифатларида ҳам, амалларида ҳам ягона зот эканлиги, Унга шерик ёки тенгдошлар бўлиши мумкин эмаслиги англанади.

Аллоҳ таолонинг зоти ягонадир, деганимизда Унинг шериги йўқлиги ва У бўлақлардан ташкил топмаганлигини биламиз.

Аллоҳ таолонинг сифатлари ягонадир, деганимизда Унинг сифатларининг бирортасига махлуқотларининг бирорта сифати ўхшамаслиги ирода қилинади.

Аллоҳ таолонинг амаллари ягонадир, деганимизда Унинг ишларига бирорта зотнинг иши ўхшаши мумкин эмаслиги ирода қилинган бўлади.

Аллоҳ таолонинг ваҳдониятига далиллар:

«Агар у(осмонлару ер)ларда Аллоҳдан ўзга «худо»лар бўлганида, бузилиб кетар эдилар. Аршнинг Робби Аллоҳ улар васф қилган нарсадан покдир» («Анбиё», 22-оят).

Борлиқни бир зот яратган, бир зот идора қилиб, бошқариб туради. Борлиқ шунга бўйсунди. Шу боис ҳам нарсалар ҳадсиз-ҳисобсиз бўлишига қарамай, борлиқда қойил қоларлик даражада низом, жипслик ва мутаносиблик ҳукм суради. Агар борлиқни яратган, уни идора қилиб турган зот биттадан кўп бўлса, ўша зотларнинг иродаси бир-бири билан, албатта, тўқнашар эди. Оқибатда борлиқда номутаносиблик келиб чиқар, жипслик йўқолар ва низом бузилар эди. Модомики борлиқ бир низомда

турибдими, жипс ҳолидами, мутаносибми, демак, уни яратган ва тадбирини қилиб турган зот битта.

«Аллоҳ ҳеч бир фарзанд тутмаган, У билан бирга ҳеч бир илоҳ бўлмаган. Шундоқ бўлганида, ҳар бир илоҳ ўзи яратган нарсаси билан кетиб, баъзилари баъзиларидан устун келар эди. Аллоҳ улар қилаётган васфдан пок бўлди» (Мўминун: 91).

Мушрикларнинг эътиқодлари мутлақо нотўғридир.

Ҳеч қачон «Аллоҳ ҳеч бир фарзанд тутмаган...»

Унинг ўғли ҳам, қизи ҳам йўқ. Бўлмаган ҳам.

Шунингдек: «У билан бирга ҳеч бир илоҳ бўлмаган».

Аллоҳ таолога илоҳликда шериклик қиладиган ҳеч бир зот умуман бўлмаган. Бу ақлга ҳам, мантиққа ҳам тўғри келмайди.

«Шундоқ бўлганида, ҳар бир илоҳ ўзи яратган нарсаси билан кетиб, баъзилари баъзиларидан устун келар эди».

Яъни, агар Аллоҳдан бошқа яна илоҳ бўлганида, у ҳам ўзига бирор нарсаларни яратган бўлар эди. Бинобарин, ўша яратган нарсасини тасарруф ҳам қилиши керак бўларди. Оқибатда ҳар бир илоҳ ўзи яратган нарсани ўзича тасарруф қилавериб, дунёнинг низоми бузилар эди. Ҳар бир илоҳ ўзиникини ўтказаман деб уриниши натижасида ораларида низо чиқар, баъзилари баъзиларидан устун келар эди. Дунё низоми бузилар эди. Аллоҳнинг шериги борлиги ҳақидаги ақийданинг нотўғрилигини шундан билиб олса ҳам бўлади. Бу ақийда Аллоҳдек зотга айб, нуқсонни васф қилишдир.

«Аллоҳ улар қилаётган васфдан пок бўлди».

Бу ҳақда «Исро» сурасида қуйидагилар баён этилган:

«Сен: «Агар, улар айтганидек, У билан бирга бошқа илоҳлар бўлганида, улар Арш эгаси томон йўл излардилар», деб айт. У зот улар айтаётган нарсадан пок ва ниҳоятда олийдир» (42-43-оятлар).

Бу икки оят мушрикларнинг Аллоҳдан бошқа ибодатга сазовор турли илоҳлар бор, деган даъволарига раддиядир. Фаразан, мушриклар айтаётганидек, Аллоҳ таоло билан бирга бошқа илоҳлар бўлса эди, ўша илоҳлар Арш эгаси бўлмиш Аллоҳ томон, Унга яқинлашаман деб ёки Унинг мулкига соҳиб бўламан, деб йўл излаган бўлар эдилар.

Аллоҳнинг ҳеч қандай шериги йўқ. Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор ҳеч қандай зот йўқдир.

Албатта, Аллоҳ таолонинг ваҳдонияти – ягоналиги бўлмаса бу дунёнинг низоми бузилиб кетиши турган гап эканлигини англаш қийин эмас.

## **Маънолар сифатлари**

### **7. Қудрат.**

Мазкур сифат Аллоҳ таолонинг зотида азалдан қоим бир сифатдир. Бундан Аллоҳ таолонинг бирор нарсага қудрати етганидан кейин қудратли бўлмагани, балки аслида бу сифат билан сифатланган зот эканлигини унутмаслик керак. Аллоҳ таоло бу сифати ила мумкин нарсаларни ижод қилади, йўқ қилади ёки ўзгартиради.

Бу сифат ҳақида «Шарҳи ал-Ақийда ат-Тоҳовия» китобида қуйидагилар келган:

«Ҳеч бир нарса Уни ожиз қила олмас».

Шарҳ: Яъни, Аллоҳнинг қудрати баркамоллигидан ҳеч бир нарса Унинг қиладиган иши ёки ҳукмини ман қила олмас.

Бунга далил:

«Аллоҳни осмонларда ҳам, ерда ҳам ҳеч бир нарса ожиз қолдирган эмас. Албатта, У ўта илмли ва ўта қудратли зотдир» (Фотир: 44) ва:

«Албатта, Биз ер юзида Аллоҳни ҳеч ожиз қолдира олмаслигимизга ишондик ва Уни қочиб ҳам ожиз қолдира олмаслигимизга ишондик» (Жин: 12).

«Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир» (Бақара: 20).

«Аллоҳ ҳар бир нарсага қудрати етувчидир» («Каҳф: 45).

«Иккисининг муҳофазаси Унга оғир келмас» (Бақара: 255).

Яъни, осмонлару ерни тутиб туриш Аллоҳни ожиз қолдирмас, каби оятлардир».

## **8. Ирода.**

Бу сифат Аллоҳ таолонинг зотида азалдан қоим бир сифат бўлиб, у билан мумкин нарсаларга жоиз бўлган вужуд йўқ бўлиш ёки ўзгартириш кабиларни хос қилади.

Бу сифат ҳақида «Шарҳи ал-Ақийда ат-Тоҳовия» китобида қуйидагилар келган:

«У зот ирода қилган нарсадан бошқа бўлмас».

Шарҳ: Яъни, борлиқда Аллоҳ таолонинг иродасидан бошқа ҳеч нарса бўлмас. Бунда Қадария (қадарни инкор қилганлар) ва мўътазилийларга раддия бордир. Чунки улар Аллоҳ таоло ҳамма одамлардан иймонни ирода қилган-у, аммо кофир куфрни ирода қилган, дейишади. Уларнинг бу гаплари фосид ва мардуддир. Чунки бу Қуръонга, суннатга, соғлом ақлга зиддир.

Далил:

«У зот ирода қилган нарсасини қилувчидир» (Буруж: 16).

«У зот хоҳлаган нарсасини қилади ва ирода қилган ҳукми қилади» (Ҳаж: 18).

«Лекин Аллоҳ ирода қилган нарсасини қиладир» (Бақара: 253).

## 9. Илм.

Бу сифат Аллоҳ таолонинг зотида азалдан қоим бир сифат бўлиб, у ила нарсаларни худди воқеъликдаги каби ёки келажакда қандоқ бўлишини кашф ва ихота қилиш боғлиқдир.

Мана шу сифатнинг хусусиятини ўта диққат билан ўрганмоғимиз лозим. Илм сифатида билиш хусусияти бор, ўзгартириш ёки таъсир қилиш хусусияти йўқ.

Бу сифатни тўлиқроқ англаб етишимиз учун Қуръони Карим оятларига мурожаат қиламиз. Аллоҳ таоло «Анъом» сурасида:

«Ғайбнинг калитлари Унинг ҳузурида бўлиб, уларни Унинг Ўзидан бошқа ҳеч ким билмас. У ердаги, қуруқлик ва денгиздаги нарсаларни биладир. Битта япроқ узилиб тушмайдики, магар уни ҳам биладир. Ер тубидаги бир дона дон борми, хўлу қуруқ борми, барчаси очиқ китобда бордир», деган (59-оят).

Ушбу ояти каримадан Аллоҳ таолонинг илми чексизлиги ва бу илм ўзига хос ягона васфга эга илм экани билиб олинади. Бу илмнинг бош сифатларидан бири:

«Ғайбнинг калитлари Унинг ҳузурида бўлиб, уларни Унинг Ўзидан бошқа ҳеч ким билмас».

«Ғайб» – инсондан ғойиб ҳодисалар, инсон сезги аъзолари билан ҳис эта олмайдиган, билиш имконлари билан идрок эта олмайдиган ҳодисалар. Инсон ўзининг билимдонлиги билан нечоғли ғурурланмасин, унинг билганидан билмагани кўп бўлиб қолаверади. Ўша ғойиб нарсаларни билишда инсоннинг бирдан-бир воситаси бор, у ҳам бўлса, илоҳий ваҳийдир. Қолган барчаси тахмин ва гумонлардан бошқа ҳеч нарса эмас.

Мўмин-мусулмонлар ғайбга иймон келтириш билан бошқалардан ажралиб турадилар. Чунки ақийда боби асосан ғайбга, яъни, кўзи билан кўриб, қўли билан ушланмайдиган нарсаларга ишонишдан иборатдир. Аллоҳга иймон келтириш ҳам ғайбга иймондир. Шунингдек, фаришталарга, илоҳий китобларга, Пайғамбарларга, қиёмат кунига, жаннатга, дўзахга, яхши-ю ёмон қадарнинг Аллоҳдан бўлишига иймон келтириш ҳам ғайбга ишонишдир.

Ушбулар ва бундан ташқари инсонни ҳар тарафдан ўраб турган, ўтмишни, ҳозирни ва келажакни илоҳий парда ортида тутиб турган сон-саноксиз нарсалар ғайбиётдир.

Инсон ғайбни билиш борасида ғоят ожиздир. У биринчи инсон – Одам Атонинг қаерда ва қачон пайдо бўлганини билмайди. Билиши мумкин бўлган нарса – Қуръони Каримдаги маълумотлар, холос. Бошқаси ҳаммаси тахмин, гумон, фараз ва ҳоказо.

Ўзининг ўтмишини билмаган инсон учун ўтмишнинг асосий қисми ғайб бўлиши турган гап. Аллоҳ таоло эса ҳаммасини билади. Инсон ҳозирги лаҳзада ўз танасида кечаётган сонсиз-саноқсиз ўзгаришларни билмайди. Катта-катта ўзгаришларни билиши мумкин, аммо кўплаб нарсаларни умуман билмайди. Мисол учун, танасидаги ҳужайраларнинг ҳаракати унинг учун ғайбдир. Ўз танасини мукамал билмаган инсон ҳозирги даврда борлиқда рўй бераётган ҳодисалардан қанчасини била олади? Ҳеч қанчасини билмайди. Аммо Аллоҳ таоло уларнинг ҳаммасини билади.

Инсон ҳатто ўз бошига келажакда қандай ҳодисалар келишини билмайди. Ўзига тегишли нарсаларни билмаганидан кейин, оламдаги бошқаларга алоқадор нарсаларни умуман билмайди. Аллоҳ таоло эса уларнинг ҳаммасини билгувчидир.

Моддапарастлар илм номидан гапирётганларини даъво қиладилар, лекин ҳар бир илмий кашфиётнинг атрофини кўплаб ғайбиёт ўраб туришини унутиб қўядилар.

Шунинг учун ҳам ҳар қандай илмий кашфиётлар атрофида тахминлар ва фаразлар кўпаяди. Аллоҳ таоло эса ўша тахминларнинг ҳақиқатини билади. Ғайбнинг калитлари Аллоҳ таолонинг Ўзидалиги шундадир. Бу калитни ҳатто Пайғамбарлар ҳам билмайдилар.

«У ердаги, қуруқлик ва денгиздаги нарсаларни биладир».

Яъни, маконга тааллуқли ҳамма нарсаларни билади. Инсон уларнинг ҳаммасини билмайди. Ҳозирги кунда ҳам қуруқлик ва денгиздан инсон аввал билмаган янгидан-янги нарсалар пайдо бўлиб тургани шунга далолат қилади.

«Битта япроқ узилиб тушмайдики, магар уни ҳам биладир».

Демак, Аллоҳ борлиқдаги ҳар бир зарра ҳаракатини ҳам билади. Дунё миқёсида биргина япроқнинг узилиб тушиши сезиларли ҳодиса эмас. Аммо Аллоҳ таоло шу ҳодисани ҳам, ҳатто ундан ҳам дақиқ нарсаларгача яхши билади.

«Ер тубидаги бир дона дон борми, ҳўлу қуруқ борми, барчаси очиқ китобда бордир».

«Очиқ китоб»дан мурод – Лавҳул Маҳфуздир. Ер остида яширин турган бир дона дон бўлса ҳам, ҳўлу қуруқни бўлса ҳам билади, дегани Унинг билмайдиган нарсаси йўқдир, деганидир. Бу таъриф фақат Аллоҳнинг Ўзигагина хосдир.

Шунингдек, Аллоҳ таоло «Юнус» сурасида: «Қайси ҳолда бўлсанг, Қуръондан нимани тиловат этсанг, ишлардан қай бирини қилсанг, албатта, Биз ўшанга киришаётган пайтингларда сизларга гувоҳмиз. На ер юзида ва на осмонларда зарра миқдоридеги, ундан кичикроқ ёки каттароқ нарса

Роббингдан махфий бўла олмас, балки очиқ-ойдин китобдадир», деган (61-оят).

Демак, ҳар бир нарсани Аллоҳ нафақат кўради ёки билади, балки унга гувоҳ бўлади ва очиқ-ойдин китобга ёзиб ҳам қўяди. Қадимги уламоларимиз «зарра» деганда қуёш нурида кўзга чалинадиган чанг заррачаларини тушунганлар. Аммо бугун «зарра» деганда «атом», яъни, кўз билан кўриб бўлмайдиган моддалар тушунилмоқда. Ана шу зарралар ҳам Аллоҳ томонидан махфий қолмас экан. Албатта, ўшанга биноан вақти келганда ҳисоб-китоб қилинади. Шундай бўлгандан кейин, дунёда энг катта гуноҳни қилганларнинг-Аллоҳ таологагина хос бўлган ҳаққа тажовуз этиб, У зотнинг шаънига ёлғон тўқиб, берган ризқининг баъзисини ҳаром, баъзисини ҳалол деганларнинг гуноҳи махфий бўлиб қолармиди? Йўқ, албатта.

Шунингдек, зарра миқдоридеги ишга ҳам Аллоҳ гувоҳ бўлиб турибди, очиқ-ойдин китобга ёзилиб турибди, деган эътиқод билан яшаб, Аллоҳга ихлос ила эътиқод ва бандалик қилганларнинг бирор амали зое бўлармиди? Албатта, йўқ. Ҳаммаси ҳисобга олинади ва мукофоти берилади.

Аллоҳ таоло «Ғофир» сурасида: «У зот кўзларнинг хиёнатини ҳам, диллар махфий тутган нарсаларни ҳам билур», деган (19-оят).

Аллоҳ таоло билмайдиган ҳеч нарса йўқ. У зот ҳамма нарсани билади. Ҳаттоки:

«У зот кўзларнинг хиёнатини ҳам...» билади.

Яъни, бировга билдирмасдан, ўғринча кўз қири ташлаганини ҳам билади, ҳисобга олиб қўяди. У зот:

«...диллар махфий тутган нарсаларни ҳам билур».

Ҳеч кимга билдирмасдан, дилда тугиб қўйилган нарсаларни ҳам Аллоҳ таоло жуда яхши билади. Шундай бўлганидан кейин бошқа нарсаларни билишида ҳеч шак-шубҳа йўқдир. Одамлар Ундан огоҳ бўлсинлар.

## **10. Ҳаёт.**

Бу сифат Аллоҳ таолонинг зотида азалдан қоим бир сифат бўлиб, у бошқа сифатларнинг собит бўлишига олиб боради. Агар ҳаёт сифати собит бўлмаганида Аллоҳ таолонинг бошқа сифатлари ҳам собит бўлмас эди. Аллоҳ таолонинг ҳаёти комилдир. Ундан комилроғи йўқдир. Унга йўқлик ориз бўлмас. Унинг тугаши ёки фоний бўлиши ҳақида ҳукм қилиб бўлмас. Ҳаёт сифати ҳам Аллоҳ таолонинг бошқа сифатларига ўхшашдир. Унинг ҳақиқатини билиб бўлмайдди. Биз унинг кайфияти ҳақида баҳс юритмай иймон келтираверамиз.

Ҳаёт сифатига Қуръони Каримда бир неча далил келган.

Аллоҳ таоло «Тоҳо» сурасида: «Бутун юзлар ҳаёт - тирик ва доим турувчи

зотга бош эгмиш. Батаҳқиқ, ким зулм кўтарган бўлса, ноумид бўлмиш», деган (111-оят).

Қиёмат кунда ҳаёт - тирик ва доимо қоим сифатларига эга бўлган Аллоҳ таолога барча халойиқ бош эгиб туради. У кунда бу дунёда қилган зулмларини кўтариб келган кимсалар ноумид бўлади.

Аллоҳ таоло «Фурқон» сурасида: «Ва барҳаёт, ўлмайдиган Зотга таваккал қил», деган (58-оят).

Доимо барҳаёт ва ҳеч ўлмайдиган зот ягона Аллоҳнинг Ўзидир. Банда фақат ўша зотга таваккал қилиши, суяниши лозим. Ана ўша энг ишончли суянишдир. Чунки Аллоҳдан ўзга ҳар бир нарса ўлади, йўқ бўлади. Аллоҳдан ўзгага суянган эса бақосиз нарсага суянган бўлади.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида: «У тирикдир ва қайюмдир», деган (255-оят).

Ягона Аллоҳнинг тириклиги Ўзигагина хос алоҳида ҳаёт бўлиб, бандалар ҳаётига ўхшаш бошқа масдардан берилган эмас. Бу ҳаёт азалий ва абадийдир. Бошланиш чегараси ҳам, тугаш чегараси ҳам йўқ. Аллоҳнинг тириклиги ҳеч бир жиҳатдан бандаларнинг ҳаётига ўхшамайди.

Аллоҳ таоло «Ғофир» сурасида: «У зот тирикдир. Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ. Бас, Унга динни холис қилган ҳолда дуо қилинг. Оламларнинг Робби Аллоҳга ҳамдлар бўлсин», деган (65-оят).

Эй, одамлар, сизнинг Роббингиз, бутун оламларнинг Робби Аллоҳнинг сифатларидан яна бирини билиб қўйинг:

«У зот тирикдир».

Аллоҳ тирикдир. Унинг Ўзи асли тирикдир. Тириклик Ундандир. У тирикликни кейин олган эмас. Унга тирикликни бошқа зот берган эмас. Тириклик азалдан У биландир. Тириклик У билан абадий қолур. Ўша зотга ибодат қилинмай, кимга ибодат қилинади. Ҳа!

«Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ».

Чунки Унинг мазкур сифатларига яқин келадиган зот ҳам йўқ.

«Бас, Унга динни холис қилган ҳолда дуо қилинг».

Аллоҳга динни холис тутган ҳолда дуо-ибодат қилинг. Яъни, холис бўйсунган ҳолда, шариатга тўла амал қилган ҳолда, иймон-эътиқодни ёлғону риёдан пок ўтган ҳолда дуо-ибодат қилинг.

«Оламларнинг Робби Аллоҳга ҳамдлар бўлсин».

## **11. Эшитиш.**

Бу сифат Аллоҳ таолонинг зотида азалдан қоим бир сифат бўлиб, у билан эшитиладиган нарсалар кашф бўлади. Аммо бу кашф бўлиш бирор асбоб ёки аъзо билан бўлмайди. Чунки Аллоҳ таоло ўхшаши йўқ зотдир.

## **12. Кўриш.**

Бу сифат Аллоҳ таолонинг зотида азалдан қоим бир сифат бўлиб, у билан кўриладиган нарсалар кашф бўлади. Аммо бу кашф бўлиш бирор асбоб ёки аъзо, кўз ёки қорачиқ билан бўлмайди. Чунки Аллоҳ таоло ўхшаши йўқ зотдир.

Аллоҳ таоло «Шуро» сурасида: «У зот ўта эшитувчи, ўта кўрувчидир», деган (11-оят).

Бандалари нима деб юрганини эшитиб туради, нима қилаётганини кўриб туради. Модомики шундай экан, бандалар бирор гап айтишдан ё бирор иш қилишдан олдин ушбу ҳақиқатни ҳисобга олишлари лозим.

Аллоҳ таоло «Тоҳо» сурасида: «Фиръавнга боринглар! Чунки у туғёнга кетди. Бас, унга юмшоқ сўз айтинглар. Шояд эсласа ёки қўрқса. Икковлари: «Эй, Роббимиз, биз унинг тезда бизга ёмонлик қилишидан ёки ҳаддан ошишидан қўрқамиз», дедилар. У зот: «Қўрқманглар! Албатта, Мен сизлар биланман, эшитаман ва кўраман», деган (43-46 - оятлар).

Аллоҳ томонидан Мусо ва Ҳорун алайҳумассаломларга ҳал қилувчи, иккиланишга ўрин қолдирмайдиган жавоб келди:

«Ҳеч қўрқманглар. Нимадан қўрқасизлар! Ахир мен сизлар биланман. Ҳамма нарсани эшитиб турибман. Ҳамма нарсани кўриб турибман. Фиръавн сизларга дарҳол ёмонлик қилгани билан нимани қойил эта олар эди. Фиръавннинг туғёни яна ҳам ошгани билан қўлидан нима келар эди?»

Аллоҳ таоло «Мужодаला» сурасида: «Ҳа, Аллоҳ икковингизнинг гаплашувингизни эшитмоқда. Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчидир», деган (1- оят).

Яъни, Аллоҳ таоло уй ичида, Пайғамбар алайҳиссалом ва у зот билан пичирлашиб гаплашган Хавла Бинти Саълабани кўриб, сўзларини эшитгандек, дунёда бўлаётган барча ишларни кўриб туради ва барча нарсаларни эшитиб туради. Унинг учун ҳеч бир нарса махфий эмасдур.

### **13. Калом.**

Бу сифат Аллоҳ таолонинг зотида азалдан қоим бир сифат бўлиб, у билан У зот амр қилувчи, наҳий қилувчи ва хабар берувчидир. Унинг воситасида Ўз расулларига Қуръон, Таврот ва Инжил каби ваҳийларининг назми таъбирини қилган.

Бу сифатнинг Аллоҳда собитлигига Қуръони Карим ва ҳадиси шарифдан далиллар бор.

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида: «Ва Аллоҳ Мусо ила ўзига хос гаплашди», деган (164).

Аллоҳ таоло «Тавба» сурасида: «Агар мушриклардан биронтаси паноҳ сўраса, унга паноҳ бер, токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин», деган (6- оят).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Меърожга чиққанларида Аллоҳ таоло билан гаплашганликлари кўп-лаб саҳиҳ ҳадисларда келган.

Араб тилида икки нарсага калом дейилади.

Биринчиси ичида пайдо бўлган гапни лафзлар билан ифода қилинганда калом дейилади.

Иккинчиси гапириш учун ичида тайёрлаб қўйилган маънога ҳам калом дейилади.

Мисол учун, мени сенга айтадиган гапим бор, дейилади. Ҳали айтилмаган бўлса ҳам, калом дейилаверади.

Аллоҳ таолонинг калом сифати ақийда илмида чуқур ўрганилган масалалардан биридир. Деярли ҳар бир ақийда китобида бу масалага алоҳида эътибор берилгандир.

Жумладан, «Шарҳи ал-ақийда ат-Таҳовия» китобида бу ҳақда қуйидагилар айтилади:

«Ва, албатта, Қуръон Аллоҳнинг каломидир. Қуръон У зотдан кайфиятсиз сўз бўлиб зоҳир бўлди. У зот уни ўз Расулига ваҳий сифатида нозил қилди. Мўминлар уни ана ўша ҳолда ҳақ, деб тасдиқ қилдилар ва уни ҳақиқатда Аллоҳнинг каломи, деб қаттиқ ишондилар. У одамларнинг каломига ўхшаб, махлуқ эмасдир.

Бас, ким уни эшитса-ю, башарнинг каломи, деб даъво қилса, батаҳқиқ кофир бўлар. Ундоқ одамларни Аллоҳ мазаммат қилган, айблаган ва унга дўзах ила дўқ урган.

«Албатта, уни сақар (дўзах)га киритаман» (Муддассир: 26) деган.

Қачонки Аллоҳ «Бу башарнинг сўзидан бошқа эмас», (Муддассир: 25) деган кимсага сақар (дўзах) билан дўқ урганидан кейин, билиб, қаттиқ ишондикки, албатта, у башар холиқининг сўзидир. Башарнинг сўзига ўхшамас».

Шарҳ: Ушбу жумлаларнинг «Ва» сўзи билан бошланиши уларнинг ўзидан олдинги жумлаларга боғланганлигини билдиради.

«У зотдан кайфиятсиз сўз бўлиб зоҳир бўлди».

Яъни: Қуръон Аллоҳ таолодан зоҳир бўлган сўздир. Аммо унинг қандоқ сўзлангани кайфиятини билмаймиз, деган маънодадир.

«Қуръон» аслида масдар-ўзак бўлиб, гоҳида «қироат» маъносини англатади. Аллоҳ таоло:

«Ва фажр Қуръонини, албатта, фажр Қуръонига шоҳид бўлингандир», деган (Исро: 78).

Яъни, фажр вақтида Қуръон қироатига фаришталар шоҳид бўлурлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қуръонни овозларингиз ила зийнатланг!» деганлар.

Абу Довуд ривоят қилган.

Яъни, Қуръон қироатини, деганларидир.

Гоҳида эса «Қуръон»дан ўқилган нарса кўзда тутилади.

Аллоҳ таоло: «Бас, қачонки Қуръонни қироат қилсанг, Аллоҳдан шайтони ражим шарридан паноҳ сўра», деган (Наҳл: 98).

Яна бошқа бир оятда: «Ва қачонки Қуръон ўқилса, уни тингланглар ва жим қулоқ солинглар. Шоядки, раҳм қилсангиз», деган (Аъроф: 204).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам «Албатта, бу Қуръон етти ҳарфда нозил қилингандир», деганлар.

Муаллифнинг «кайфиятсиз», дегани, уни сўз қилиб гапирганини қайси кайфиятда бўлганини билиб бўлмайди, деганидир. Яъни, каломнинг Аллоҳ таолодан содир бўлгани маълум, аммо қайси кайфиятда содир бўлгани маълум эмас:

«У зот уни ўз Расулига ваҳий сифатида нозил қилди», яъни, Аллоҳ Қуръонни Ўз пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга фаришта тили орқали туширди.

Қуръонни Жаброил алайҳиссалом Аллоҳдан эшитди ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам фаришта Жаброил алайҳиссаломдан эшитдилар. Сўнгра одамларга ўқиб бердилар.

Аллоҳ таоло Қуръонда: «Ва Қуръонни одамларга аста ўқиб беришинг учун ажратиб ва бўлиб-бўлиб нозил қилдик», деган (Исро: 106).

Бошқа бир оятда эса: «Уни ишончли руҳ огоҳлантирувчилардан бўлишинг учун, очиқ-ойдин араб тилида қалбингга олиб тушди», дейди (Шуаро: 193-195).

Муаллифнинг: «Мўминлар уни ана ўша ҳолда, ҳақ, деб тасдиқ қилдилар», деганидаги «мўминлар»дан мурод саҳобалар ва улардан кейинги авлод, тобеъинлардир.

«Ана ўша ҳолда» дегани эса олдин зикр қилинган Қуръоннинг каломлиги ва туширилишига боғлиқ ҳолдир.

«Бас, ким уни эшитса-ю, башарнинг каломи, деб даъво қилса, батаҳқиқ кофир бўлар».

Ким Қуръон Аллоҳнинг каломи эканини инкор қилса, уни Муҳаммаднинг ёки ундан бошқа фаришта ёки башарнинг каломи, деса кофир бўлишида ҳеч шак-шубҳа йўқ.

Шунингдек, ким Қуръон Аллоҳнинг каломи эканига иқроп бўлса-ю, аммо уни салафи солиҳ иттифоқ қилганидан бошқача қилиб таъвил қилса ёки ўзича бузса ҳам кофир бўлишида ҳеч шак-шубҳа йўқ.

«Башарнинг сўзига ўхшамас» яъни, Аллоҳнинг каломи башарнинг каломига ўхшашдан шарафли, фасоҳатли ва олийдир. Аллоҳ Ўз каломи

васфида қуйидагиларни келтиради.

1. «Аллоҳдан кўра сўзи содиқроқ ким бор?!» (Нисо: 87).

2. «Роббинг калимаси содиқлик ва адолат жиҳатидан батамом бўлди» (Анъом: 115).

3. «Агар инсу жинлар ушбу Қуръонга ўхшашни келтирмоқ учун жам бўлсалар ҳам унга ўхшашни келтира олмаслар» (Исро: 88).

4. «Сен: Унга ўхшаш бир сура келтиринг!» деб айт» (Юнус: (38).

Демак, Қуръоннинг лафзига ўхшаш лафз, назмига ўхшаш назм ва маъносига ўхшаш маъно йўқдир.

Аллоҳ таолонинг каломи банда учун буюк шарафдир.

Аллоҳ Қуръони Каримда: «Аллоҳ Мусога гап гапирди» (Нисо: 164) ва:

«Қачонки Мусо Бизнинг мийқотимизга келганида ва Роббиси унга гапирганида», деган (Аъроф: 143).

Бошқа бир оятда пайғамбарлар ҳақида:

«Уларнинг ичида Аллоҳ гапирган ва баъзиларнинг даражаларини кўтарган кимсалар бор», деган (Бақара: 253).

Бошқа бир оятда:

«Раҳийм бўлган Роббдан салом сўзи бор», деган (Ёсин: 58).

Имом Ибн Можа ва бошқа имомлар ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагиларни айтганлар:

«Аҳли жаннат ўз неъматлари ичида турганларида, бирдан уларга нур чиқди. Улар юқорига қарадилар. Қарасалар, Робб жалла жалолуҳу уларнинг устидан қараб турибди. Бас, У зот: «Ассалому алайкум, Эй, аҳли, жаннат», деди.

Аллоҳнинг: «Раҳийм бўлган Роббдан салом сўзи бор», дегани шу.

Модомики, У зотга назар солар эканлар, улардан ҳижобланиб олмагунча ва Унинг баракаси ва нури қолмагунча ўзлари ичида турган неъматлардан ҳеч нарсага илтифот ҳам қилмайдилар.

Аллоҳ таолонинг: «Албатта, Аллоҳнинг аҳди ва қасамларини оз баҳога сотганларга, ана ўшаларга охиратда насиба йўқдир ва Аллоҳ уларга гапирмайди ҳам, назар солмайди ҳам», («Оли Имрон» сураси, 77-оят) деган оятида гапирмаслик ила уларни иқоб қилмоқда. Агар Аллоҳ мўмин бандаларига ҳам гапирмайдиган бўлганида, улар билан кофирлар бир хил бўлиб қолар эдилар. Унда кофирларга гапирмаслигида фойда бўлмай қолар эди.

Имом Бухорий ўзларининг «Саҳиҳ»ларида «Робб таборака ва таолонинг аҳли жаннатга каломи боби» деган боб очиб бир неча ҳадисларни келтирганлар. Аҳли жаннатлар учун энг афзал неъмат Аллоҳ таборака ва таолонинг жамолини кўриш ва каломини эшитишдир. Каломни инкор

қилиш эса жаннат руҳини ва унинг энг олий, энг афзал неъматини инкор қилишдир. Аслида бусиз, жаннат ўз аҳлига татимайди ҳам..

## **АЛЛОҲНИНГ КАЛОМИ МАСАЛАСИ ҲАДИС ВА СУННАТ ИМОМЛАРИ НАЗДИДА**

Калом масаласидаги айтилган гаплар ўнтага етади. Уларнинг ҳаммасини зикр қилиб гапни чўзиб ўтирмаймиз. Фақат аҳли сунна ва жамоатнинг ақийдасини зикр қилиш ила кифояланамиз. Улар суннат ва ҳадис уламоларидир.

Ўша гапларнинг тўққизинчиси:

«Аллоҳ таоло қачон хоҳласа, қандоқ хоҳласа гапирувчидир. У зот эшитиладиган овоз билан гапирадир. Агар муайян овоз қадимий бўлмаса ҳам, каломнинг тури қадимийдир. Аҳли сунна ва жамоадан ривоят қилингани шудир».

Хулоса қилиб айтганда, тўрт мазҳаб аҳлларидадан бўлмиш аҳли сунналар ва улардан бошқа ўтгану қолганлар ҳаммаси Аллоҳ таолонинг каломи махлуқ эмаслигига иттифоқдирлар. Қуръон У зотнинг гапирган каломидир. У ўз зоти ила қоим бўлгандир.

Имом ат-Таҳовий раҳматуллоҳи алайҳнинг:

«У зот субҳанаҳу ва таолонинг хоҳлаган вақтида, хоҳлаган шаклида гапирувчилиги бардавомдир ва У зотнинг каломининг тури қадимийдир», деган гаплари шунга далолат қилади.

Шунингдек, имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг «ал-Фикҳул Акбар»даги:

«Қуръон мусҳафларда ёзилгандир, қалбларда ёд олингандир, тилларда ўқилгандир, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилингандир, бизнинг Қуръонни талаффуз қилишимиз махлуқдир. Қуръоннинг ўзи махлуқ эмасдир», деган гаплари ҳам шунга далолат қилади.

Муаллифнинг: «ва уни ҳақиқатда Аллоҳнинг каломи, деб қаттиқ ишондилар. У одамларнинг каломига ўхшаб махлуқ эмасдир», деган гаплари мўътазилий мазҳабидагиларга раддиядир. Чунки улар Аллоҳнинг каломи одамларнинг каломига ўхшаб махлуқдир, деб даъво қиладилар».

Мўътазилий мазҳаби Қуръони Каримнинг махлуқ ёки махлуқ эмаслиги масаласида мусулмонлар жумҳури эътиқодига мос бўлмаган эътиқодга бордилар ва уни шиор қилиб кўтардилар.

Мўътазилийлар Аллоҳ таолонинг каломи собитлиги, бу маънонинг анбиёлардан мутавотир йўл ила нақл қилинганида ва Аллоҳ таолонинг гапирувчи эканлиги каби масалаларда мусулмонлар жумҳури билан бир фикрдалар.

Сўнгра мўътазилийлар Аллоҳ таолога нисбат берилган калом У зот Ўзидан бошқада, мисол учун лавҳул маҳфуз ёки Жаброил фариштада халқ қилган овоз ва ҳарфлардан иборатдир. У эса янги пайдо бўлган бўлиб, қадим эмасдир, дейдилар. Уларнинг фикрича, Аллоҳ таолонинг калом сифати йўқдир.

Аҳли Сунна ва Жамоа мазҳаби бўйича эса, мўътазилийлар айтган гаплардан ташқари айтилмаса ҳам нафсда мавжуд калом бўлади. Ана ўша нафсдаги мавжуд сифатдир. У илм ва иродадан бошқа алоҳида нарсадир. Бу сифат Аллоҳ таолонинг зотидаги қадимий сифатдир. Ана ўшани Аллоҳнинг калом сифати дейилади.

Мўътазилийлар Аллоҳ таолога калом деган қадимий сифат нисбатини бермайдилар. Уларнинг фикрича, аҳли сунна ва жамоа, калом, деб айтаётган нарса агар хабардан иборат бўлса, илм сифатига, амр ёки наҳийдан иборат бўлса, ирода сифатига оид нарсадир.

Уларнинг фикрича, нафсдаги калом деган нарса йўқ. Лафздаги калом эса махлуқдир. Қуръони Карим ҳам лафзда айтилган бўлгани учун махлуқдир. Аҳли сунна ва жамоа уламолари мўътазилийларнинг бу гапини қаттиқ рад қилдилар. Чунки бу гап Қуръони Каримни оддий гаплар даражасига тушириб қўяр эди.

Икки томон орасидаги бу тортишув охир-оқибат ислом оламидаги катта фитнага айланди. Тарихдаги энг афсусланарли ҳодисалардан бирига айланган бу фитнанинг асосий сабабчилари мўътазилийлар эди.

Мўътазилий мазҳаби тарафдорлари ҳукуматга яқин бўлиб олиб, кўп бузғунчиликлар қилдилар. Уларнинг ўша даврдаги бошлиқларидан бири Ибн Абу Довуд халифа Маъмунга одамларни мажбур қилиб «Қуръон махлуқ» деб айттиришга уринди.

Унинг маслаҳати билан халифа Маъмун волийларга аҳли сунна вал жамоа уламоларини ҳақоратлаб хат ёзди. Уларни ҳукумат қароргоҳларига олиб келиб «Қуръон махлуқ» деган гапни айттиришни, уни бажармаганларни эса жазолашни ташкил қилди.

Мусулмонлар улкан фитнага учрадилар. Ислом ақийдаси бузилиши хавфи туғилди.

Бағдодда Имом Аҳмад ибн Ҳанбал бошчилигида уламолар бунга қаттиқ қаршилик кўрсата бошладилар. Улар илмий мунозараларда мўътазилийларни шарманда қилишар эдилар. Буни сезган халифа Маъмун Бағдоднинг еттита атоқли олимини ўз ҳузурига юборишни амр қилди. Уларни мажбур қилиб, эътирофларини олди ва ҳаммага эълон қилди. Шу билан Имом Аҳмаднинг қанотини кесмоқчи ва шавкатини синдирмоқчи бўлди.

Лекин Имом Аҳмад бу фитнага қарши салобатли тоғдек маҳкам турдилар. У киши ўз илмлари билан халқ орасида фитначиларни ҳужжат ва далиллар билан шарманда қилиб, довдиратиб қўйдилар.

Шунда Маъмун ўзи турган Турмус шаҳрига Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ва у кишининг шериклари Муҳаммад ибн Нухни юборишни амр қилди.

Олимларнинг қўлларини кишанлаб, беҳурмат қилиб олиб кетишди. Аммо улар йўлдалик пайтида халифа Маъмун вафот этди. Олимларни кишанланган ҳолларида Бағдодга қайтаришди.

Йўлда Ибн Нух вафот этдилар. Имом Аҳмад у кишини ўзлари ювиб, жаноза ўқиб, кўмдилар.

Имом Аҳмадни эса янги халифа тайин бўлгунча қамаб қўйишди. Янги халифа ҳам эскисининг йўлини тутди. Акаси Маъмуннинг васиятига амал қилган халифа Мўътасим ҳам фитна йўлини давом эттирди.

Имом Аҳмадни икки йилдан ортиқ, аниқроғи йигирма саккиз ой қамоқда ушлаб қийнашди, аммо иродасини бука олмадилар. Имом Аҳмаднинг эътирофлари кўпчилиكنинг ҳузурида бўлишини хоҳлашар эди. Шунинг учун одамларни тўплаб, халифа Мўътасим ўзи чиқар ва Имом Аҳмадни сўроққа тутур эди. Гап билан енга олмасликларига кўзлари етгандан сўнг калтаклашга ўтдилар. Ҳар сафар гап-сўз фойда бермагандан сўнг Имомни ҳушидан кетиб қолгунча дарра билан уришар, кейин эса кўтариб, қамоққа олиб кетишар, бу ҳол эртасига яна янгидан бошланар эди.

Бир куни калтак зарбидан ҳушидан кетаёзган Имомнинг қулоғига фитнабоши Ибн Абу Довуд:

«Эй, Аҳмад, қулоғимга, Қуръон махлуқ, деб қўйгин, сени халифанинг қўлидан қутқариб оламан», деди.

Шунда Имом Аҳмад бошларини зўрға кўтариб:

«Эй, Ибн Довуд, қулоғимга Қуръон Аллоҳнинг каломи, махлуқ эмас, деб қўйгин, сени Аллоҳнинг азобидан қутқариб оламан», дедилар.

Бу воқеа халифанинг тавба қилиши, фитнабоши Ибн Абу Довуд ва унинг шериги Башрул Мусрайсийнинг боши олиниси ва Имом Аҳмаднинг эъзозланиши билан тугади.

Шундай қилиб бу буюк Имом мусулмонларнинг катта фитнадан қутулиб қолишларига сабабчи бўлдилар.

Ҳозирда мўътазилийларнинг ўзлари ҳам, гаплари ҳам ўтмишдан бир кўнгилсиз хотирага айланиб қолган.

Аммо уларнинг мазкур фитнаси ҳақида гапирмасдан илож йўқ. Аллоҳ таолонинг мусулмонларни бу каби фитналардан ўзи асрасин!

Аллоҳ таолонинг маънолар сифатлари деб аталган сифатлари билан батафсилроқ танишиб чиқдик.

Аллоҳ таоло ушбу сифатларнинг маъноси ила сифатлангандир. У зот Қодир, Мурид - Ирода қилувчи, Олим, Тирик, Эшитувчи, Кўрувчи ва Гапирувчидир.

Маънавий сифатлар.

Бу тоифадаги сифатлар ўзидан олдинги, маънолар сифатларининг узвий натижасидан бошқа нарса эмас. Бошқача қилиб айтганда, маънавий сифатлар маънолар сифатларининг собит бўлишидан келиб чиққан ҳукмлардир.

Маънавий сифатлар еттитадир:

- А) У зоти таолонинг қодир бўлмоғи.
- Б) У зоти таолонинг ирода қилувчи бўлмоғи.
- В) У зоти таолонинг олим бўлмоғи.
- Г) У зоти таолонинг ҳаёт (тирик) бўлмоғи.
- Д) У зоти таолонинг эшитувчи бўлмоғи.
- Е) У зоти таолонинг кўрувчи бўлмоғи.
- Ё) У зоти таолонинг гапирувчи бўлмоғи.

Ушбу етти сифат ўзларидан олдинги етти сифатга боғлиқдир. Уларнинг маънавий сифатлар деб аталиши юқоридаги маънолар ила сифатланишнинг бўлаги эканидандир.

Айни ушбу охирги тоифадаги сифатлар тўрт қисмга тақсимланади.

Биринчи қисм вожиб, мумкин ва имкони йўқ нарсаларга алоқаси бор сифатлар. Бу қисмга илм ва калом сифатлари киради.

Илм сифати аввал ҳам айтиб ўтилганидек, нарсаларнинг ҳақиқатини уларга таъсир кўрсатмаган ҳолда кашф этади. Албатта, Аллоҳ таоло барча вожиб, мумкин ва ғайри мумкин нарсаларни Ўз илми ила кашф қилиши - билиши турган гап.

Калом сифати эса нарсаларга далолат, баён, амр ёки наҳий юзасидан боғлиқ бўлади. Албатта, Аллоҳ таолонинг каломи вожиб, мумкин ва ғайри мумкинларни ўзи ичига олиши турган гап.

Иккинчи қисм фақат мумкин нарсаларга боғлиқ сифатлар. Бу қисмга қудрат ва ирода сифатлари киради. Чунки ирода ҳам, қудрат ҳам нарсаларга таъсир қиладиган сифатлардир. Мисол учун бор қилиш ёки йўқ қилиш. Вожибни йўқ қилиш мумкин эмас. Имкони йўқ нарсани бор қилиш мумкин эмас. Агар бундай бўлмаганда вожиб вожиб бўла олмас, имкони йўқ имкони йўқ бўла олмас эди.

Учинчи қисм мавжудотга боғлиқ сифатлар. Бу қисмга эшитиш ва кўриш сифатлари киради. Улар ила мавжуд нарсалар эшитилади ва кўрилади. Мавжуд бўлмаган нарсалар эшитилмайди ҳам, кўрилмайди ҳам.

Тўртинчи қисм ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган сифат. Бу ҳаёт сифатидир. Бу сифат Аллоҳ таолога нисбатан бир нарсага боғлиқ бўлмаган ҳолда ўз-ўзидан қоим сифатдир.

Аслида ҳаёт сифати, ҳеч бўлмаганда, макон ва вақт бўлишини талаб этади. Аммо бу шарт махлуқлар учундир. Холиқ бўлмиш Аллоҳ макон ва замонни ҳам Ўзи яратган ва идора қилади. Бинобарин, Унинг ҳаёт сифати маконга ҳам, замонга ҳам ва ундан бошқа шартларга ҳам боғлиқ эмас.

## **АЛЛОҲНИНГ ИСМ ВА СИФАТЛАРИГА БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР**

Аллоҳ таолонинг гўзал исмлари ва сифатларини яхшилаб таниб олинганидан кейин ўша олиймақом исм ва сифатларга боғлиқ бир неча масалаларни ҳам батафсил тушуниб олиш керак бўлади. Ақоид илми уламолари бу масалаларни турли йўллар билан баён қилганлар. Аммо баъзи ҳолатларда айти шу масалалар ақоид масалаларининг илоҳиёт бобига киришини мулоҳаза қилинмай қолади. Агар уларни айнан Аллоҳ таолонинг гўзал исмлари ва сифатларига боғлаб тақдим қилинса ва ўрганилса, тушуниш ҳам осон бўлади. Чунки инсоннинг ўзи ожиз бўлиши билан баъзи вақтларда Аллоҳ таолога оид ақийдаларни англаб етишда унинг ақли ҳам ожизлик қилиб қолади.

Биз бандалар ўз доирамиздаги ва қаврамимиздаги ҳақиқатларни тушуниб ўрганиб қолганмиз. Мабодо бизнинг тушунча доирамиздагидан ташқари маълумот бизга етса, уни ҳам ўз қолипимизга солишга ҳаракат қиламиз. Жумладан, Аллоҳ таолонинг сифатларига оид ақийдаларни тушунишда ҳам шу каби ҳолат бўлади. Худди шу нарса кўп тоифаларнинг адашишига, ҳатто диндан чиқишига сабаб бўлган.

Аллоҳ таоло аҳли сунна ва жамоа мазҳабидаги мусулмонларни бу борадаги тойилишдан Ўзи сақлаб қолган.

Аллоҳ таолонинг гўзал исмлари ва сифатларига боғлиқ масалаларнинг бошида У зотни мазкур исм ва сифатларига зид бўлган исм ва сифатлардан поклаш туради. Кейин қазо ва қадар, инсон иродаси, савоб, гуноҳ ва бошқалар туради. Биз келаси сатрларда мазкур масалалардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

## **АЛЛОҲ ТАОЛONI НУҚСОНЛАРДАН ПОКЛАШ**

Биз юқорида Аллоҳ таолонинг нақлий ва ақлий далиллар билан собит бўлган бир қанча сифатларини ўрганиб чиқдик. Ана ўша сифатларга иймон келтириш лозим ва лобуддир. Албатта, уларга иймон келтириш уларга зид бўлган сифатлардан Аллоҳ таолони поклашни ҳам тақозо қилади.

Бу ишни қилмоқчи бўлсак, баъзи кишилар оят ва ҳадисларни далил қилган

ҳолда бизга бошқача гапларни ҳам айтганлар. Улардан баъзилари Аллоҳ таолога Унинг махлуқотларида бор сифатларни нисбат беришса, бошқалари тамоман тескари фикрни айтиб, Аллоҳ таолога ожизлик сифатини беришгача етиб борганлар. Улар асосан муташобих оят ва ҳадислар асосида фитнали гапларни қўзғаганлар.

Биз эса уларнинг гапларига қулоқ солмай аҳли сунна ва жамоа мазҳабини маҳкам тутмоғимиз лозим бўлади. Ўшанда Аллоҳ таолонинг «Оли Имрон» сурасида нозил қилган қуйидаги оятларига амал қилароқ Аллоҳ таолони барча нуқсонлардан поклаб ёд қилган бўламиз.

**«У сенга китобни туширган зотдир. Унда муҳкам-ойдин оятлар ҳам бор ва улар китобнинг аслидир ва муташобих оятлар ҳам бор. Қалбларида ҳидоятдан оғиш борлар, фитна мақсадида ва уни таъвил қилиш мақсадида ундан муташобих бўлганига эргашадир. Унинг таъвилини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмас. Илмда собит бўлганлар эса унга иймон келтирдик, барчаси Роббимиз ҳузуридандир, дерлар. Ва фақат ақл эгаларигина эсларлар»** (7- оят).

Ушбу ояти каримада Қуръони Каримнинг оятлари иккига – муҳкам ва муташобихга бўлиниши ҳақида сўз бормоқда.

«Муҳкам» сўзи маҳкам, очиқ-ойдин, бошқа ёққа буриб бўлмайдиган, деган маънони англатади.

«Муташобих» сўзи эса ўхшаш, бирини биридан ажратиш қийин, бир неча маъноларни англатадиган, деган маъноларни билдиради.

Қуръони Карим оятлари ҳам муҳкам ва муташобихга бўлинади. Бунинг ўзи алоҳида бир илм бўлиб, Қуръон илмлари фани бўйича мутахассис уламолар буни махсус ўрганадилар.

Биз ўрганаётган ояти каримада худди шу мавзуда сўз бормоқда. Бу ояти кариманинг аввалида, юқорида зикр қилинган сифатларга эга бўлган Аллоҳ:

«У сенга китобни туширган зотдир», деб Муҳаммад алайҳиссаломга хитоб қилмоқда.

Китобдан мурод Қуръони Каримдир.

«Унда муҳкам – ойдин оятлар ҳам бор, ва улар китобнинг аслидир ва муташобих оятлар ҳам бор».

Қуръони Каримда келган муҳкам – ойдин оятларнинг маънолари равшан, тушунилиши ҳам осон.

«Улар китобнинг аслидир», яъни, ўша муҳкам оятлар Қуръоннинг аслини ташкил қиладилар.

Шу билан бирга, Аллоҳ ирода қилган ҳикмат учун Қуръонда муташобих – бир-бирига ўхшаш маъноларни билдирадиган, турлича маънога буриш мумкин бўлган оятлар ҳам бор. Лекин булар жуда ҳам оз бўлиб,

кишиларнинг иймонини синашга хизмат қиладилар.

«Қалбларида ҳидоятдан оғиш борлар фитна мақсадида ва уни таъвил қилиш мақсадида ундан муташобих бўлганига эргашадир».

Демак, аслида эътиқоди бузуқ кишиларни фош қилишда муташобих оятлар иш берар экан. Қалбида марази бор, ҳидоятдан оғган бундай кишилар ақийда ва шариатнинг нозик усулларини очик-ойдин баён қилиб берган муҳкам оятларни бир четга суриб қўйиб, ғойибдан эшитиш орқали собит бўладиган хабарларга, турли маъноларга далолат қиладиган муташобих оятларга фитна қўзиш, уни таъвил қилиш мақсадида эргашар эканлар.

«Таъвил» сўзи бирор сўз ёки тушунчани сиртқи маъносидан бошқа маънога кўчириш, деган маънони англатади.

Қалбларда ҳидоятдан оғиш бор бўлган мазкур кишилар муташобих оятларни ўзларига қурол қилиб олиб, фитна қўзиш учун ўз ҳавои нафсларига мувофиқ таъвил қиладилар. Ва ҳолбуки, муташобих оятларнинг таъвилини ҳамма ҳам билавермайди:

«Унинг таъвилини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмас».

Муташобих оятларнинг ҳақиқий таъвилини фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина билади. Шунинг учун мўмин-мусулмон кишилар муташобих оятларнинг таъвилига машғул бўлмасдан, уни Аллоҳ таолонинг ўзига ҳавола этишлари керак.

«Илмда собит бўлганлар эса унга иймон келтирдик, барчаси Роббимиз ҳузуридан дир, дерлар».

«Илмда собит бўлганлар» – бандалар ичида илмнинг олий даражасига етган уламолар дир.

Улар илмда собит бўлганлари учун кўп нарсадан бохабар бўладилар ва шу боисдан ҳам, муташобихга иймон келтирдик, барчаси (яъни, оятларнинг барчаси) – муҳками ҳам, муташоҳиби ҳам Роббимиз ҳузуридан дир, дейдилар.

Дарҳақиқат, зўр олимлар ўзларининг илмий чегараларини аниқ тушуниб етадилар, Аллоҳнинг илми чегарасиз эканини яхши биладилар. Ҳамда ўрни келганда ҳеч иккиланмай, ўзларининг ожиз жойларини эътироф қиладилар. Аммо ҳақиқий илмдан бебахра, чаласавод кишилар эса ўзлари билган озгина нарсани, дунёдаги бор илм шу, деб тушунадилар ва ундан бошқа ҳамма нарсани инкор этиб, ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам овора қиладилар. Ушбу ҳақиқатларни:

«...фақат ақл эгаларигина эсларлар».

Бундай нарсалардан ақл эгаларигина ваъз-насиҳат ва ибрат оладилар.

Мазкур ҳақиқатларни тушуниб етганларидан сўнг, Аллоҳ таолога ёлбориб дуо қилиб, қалбларини ҳақда собит қилишни ва ҳидоятдан оғдирмаслигини сўрайдилар:

**«Эй, Роббимиз, бизни ҳидоят қилганингдан сўнг қалбларимизни оғдирмагин ва бизга Ўз ҳузурингдан раҳмат ато қилгин. Албатта, Сенинг Ўзинг кўплаб ато қилувчисан»** (Оли Имрон: 8).

Илмда собит бўлган мўмин кишининг ҳоли шу – у ҳидоят нима эканини, қандай улуғ неъмат эканини жуда яхши тушунади. Шунинг учун ҳидоятни берган Аллоҳга ёлбориб, қалбини ҳақ йўлига бошловчи ҳидоятдан оғдирмаслигини ўтиниб сўрайди.

«Эй, Роббимиз, бизни ҳидоят қилганингдан сўнг қалбларимизни оғдирмагин ва бизга Ўз ҳузурингдан раҳмат ато қилгин».

Улар Аллоҳ таолонинг «Ваҳҳоб» – кўплаб ато қилувчи зот эканлигини ҳам яхши биладилар ва Унинг Ўзидан раҳмат ато қилишини сўрайдилар.

«Албатта, Сенинг Ўзинг кўплаб ато қилувчисан».

Улар ўз Роббиларининг барча халойиқни бир куни жамлаб, ҳисоб-китоб қилишини ҳам яхши биладилар ва шунинг учун У зотга бу ҳақда қуйидагича ёлборадилар:

**«Эй, Роббимиз, албатта, Сен одамларни келишига шубҳа йўқ кунда йиғувчисан. Албатта, Аллоҳ ваъдага хилоф қилмас»** (9 - оят).

«Келишига шубҳа йўқ кун» қиёмат кунидир.

Аллоҳ таоло ўша кунда барча одамларни жамлаб, сўроқ-саволга тутиб, амалига яраша жазо ёки мукофот беришини ваъда қилган. Мўмин бандалар бу ишнинг албатта бўлишига қаттиқ ишонадилар. Чунки Аллоҳ ваъдасига хилоф қилмайди.